*Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!*

# СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

«СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ» — ОРГАН ЦЕНТРАЛЬНОГО КОМИТЕТА КОМПАРТИИ УЗБЕКИСТАНА, ВЕРХОВНОГО СОВЕТА И СОВЕТА МИНИСТРОВ УЗБЕКСКОЙ ССР

48 йил чиқиши
№ 93 (13.355).
26 АПРЕЛЬ 1966 йил
СЕШАНБА
Баҳоси 2 тийин.

**Саноат, қурилиш ва транспорт ходимлари! Ижтимоий ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини оширингиз, капитал маблағлардан ва асосий фондлардан яхши фойдаланингиз, янги қувватларни тезроқ ўзлаштирингиз!**

(КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ 1 МАЙ ЧАҚИРИҚЛАРИДАН)

## СЎНГГИ СОАТДА

### АНДИЖОНЛИКЛАР ЗАФАРИ

Андижон областининг пахтакорлари чигит экиш планини бажардилар. Улар 293 минг гектардан ортиқ майдонга чигит экдилар. 220 минг гектар майдонда чигит квадрат-уялаб экилди. Уруғлик чигит билан бир вақтда тупроққа минерал ўғитлар солинди. Наманган, Ленин, Учқўрғон, Москва ва Хўжаобод районларидаги хўжаликлар чигит экишни муваффақиятли ўтказдилар. Неча ўн минг гектар майдонда чигит тупроқнинг ўз намида униб чиқди.

Культиватор ва ўғитлагич аппаратлар ўрнатилган бир минг чопиқ трактори ғўза парваришига киришди.

### ЧИРОҚЧИ ПАРРАНДАБОҚАРЛАРИНИНГ ҒАЛАБАСИ

**ҚАРШИ («Совет Ўзбекистони» мухбиридан телефон орқали). Чироқчи райони паррандабоқарлари** баҳор байрами арафасида катта ғалабани қўлга киритдилар. Давлатга 2 миллион 302 минг дона тухум етказиб берилиб, йиллик план 100,1 процент адо этилди. Бу ўтган йилнинг шу муддатигача тайёрланган тухумдан 149 минг дона кўпдир.

Райондаги колхозлараро паррандачилик фабрикаси коллективи ҳамда «Кўкдала», Охунбобоев номли совхозларнинг паррандабоқарлари бунга катта ҳисса қўшдилар.

Район паррандабоқарлари йил охиригача давлатга яна 300 минг дона тухум сотиш мажбуриятини олдилар.

### ҲУКУМАТ МУКОФОТЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

25 апрелда Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг мажлислар залида фидокорона меҳнатлари билан юксак мукофотларга сазовор бўлган медицина ходимлари, геологлар, ўқитувчилар, кинематография арбоблари, бошқа кўп касблар меҳнаткашларининг катта бир группасига Совет Иттифоқи орден ва медалларини топшириш маросими ўтказилди.

СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ё. С. Насриддинова орден, медаль ва ёрлиқларни топширди ва мукофотланганларни самимий табриклади.

(ЎзТАГ).

# ҚАРДОШ ХАЛҚ МАДАНИЯТИ БАЙРАМИ

Бугун пойтахтимиз Тошкентда қардош Белоруссия адабиёти ва санъати ўн кунлиги — қардош халқ маданияти кўриги тантанали суратда ёпилади.

Қуёши қизғин, баҳори баравж, меҳмондўст, бағри кенг диёримиз азиз меҳмонларни ўзининг дарё меҳри, қуёш самимияти билан, қўшиқлар, куйлар, гуллар билан ўн кун ардоқлади.

Ўн кун мобайнида шаҳру қишлоқларимизда, саноат корхоналаримизда, колхоз-совхозларимизда, — уйимизда ва дилимизда белорус қўшиқлари садо берди, гўзал рақслардан баҳраманд бўлдик, сўз усталарининг моҳир ижроларини, белорус қилқалам соҳибларининг тасвирий-санъат мўъжизаларини, хуллас дўст, биродар халқнинг бой фикр-туйғуларини, бутун қалбини ҳис этдик, завқланиб кўрдик.

Қардош халқлар маданияти байрамини ўтказиш бизда қутлуғ анъанага айланди. Республикамиз меҳнаткашлари катта муваффақият билан ўтган кўпгина ҳафталиклар, ўн кунликларнинг гувоҳидирлар. Чинакам ишчан, ўзаро ўрганиш, оммавийлик вазиятида ўтган бундай олижаноб тадбирлар халқларимиз ленинча дўстлигини янада мустаҳкамлашда, уларни бирбирларига тағин ҳам яқинлаштиришда ғоят бебаҳо омил бўлиб, адабиётларимиз ва санъатларимизнинг ҳар томонлама тараққий этишига зўр таъсир кўрсатмоқда.

Яқиндагина ўз ишини тамомлаган шонли партиямизнинг XXIII съезди СССР халқлари дўстлигини бутун имкониятлар билан янада гуллаб-яшнатиш хусусида ажойиб фикрлар айтди. Марказий Комитетнинг съездга ҳисобот докладида айтилганидек: **«Партиянинг, миллатларидан қатъий назар барча коммунистларининг вазифаси — Совет Иттифоқи халқларининг ҳар томонлама яқинлашуви янада давом этиши учун, уларнинг дўстлиги ва биродарлиги янада мустаҳкамланиши учун, уларнинг иқтисодий, маданий ва маънавий алоқалари янада кўпроқ мустаҳкам ва хилма-хил бўлиши учун бундан буён ҳам ҳормай-толмай ишлашдан иборат».**

СССР халқларининг улуғ оға рус бошлиқ қалин, мустаҳкам дўстлик даврасида ўзбек ва белорус халқларининг биродарлик, қардошлик алоқалари алоҳида бир тарихга эгадир. Бу дўстлик — уруш оловлари имтиҳонидан ўтган, давр синовларига бардош бериб янада қудратлироқ бўлиб чиниққан чинакам оға-иниликдир. Фашизм бошлаган уруш белорус халқи бошига ҳам чексиз кулфатлар, вайроналик келтирди. Бутун совет халқининг ботир фарзандлари қаторида ўзбек йигитлари ҳам Белоруссиянинг азиз тупроғини ёвуз душмандан тозалаш учун ҳаёт-мамот жанги олиб бордилар, харобазор бўлган шаҳарлар, хору зор этилган оналар, оёқ ости бўлган ўрмонлар, бегуноҳ тўкилган кўз ёшлар учун душмандан ўч олдилар.

Уруш йиллари элимизга вақтинча кўчирилган жуда кўп белорус дўстларимизни — кексалар, аёллар, гўдакларни ўзбек халқи ўз туғишганларидай меҳрибон қалб, садоқат билан ўз иссиқ бағрига олди. Бу йилларда кўпгина белорус санъаткорлари ҳам Ўзбекистонда бўлишди. Улар ўзларининг оташин сўз санъатлари билан дўстлигимизни, пахтакорларимиз меҳнатини, Ўзбекистон гўзалликларини улуғладилар, ягона, улуғ оила, қардошлик ҳисси билан яшадилар, ижод қилдилар.

Белорус адабиёти ва санъатининг республикамизда ғоят катта муваффақият билан ўтган декадаси — ана шу дўстлигимизнинг қонуний давомидир. Таниқли санъат ва адабиёт намояндаларининг, талантли ижодий коллективларнинг республикамизда бўлиши — маданий ҳаётимизга янгича ранг, янгича оҳанг, янгича мазмун бағишлади.

Белорус халқи жуда катта маданият тарихига эга бўлган меҳнаткаш, ёрқин талантли халқдир. Ана шу халқ адабиёти ва санъатининг намояндалари билан бўлган учрашув ўзбек санъати ва адабиётини ҳам ривожлантиришда беқиёс мактаб бўлди.

Бизнинг адабиёт ва санъатларимиз мазмунан ва шаклан янада бойиш ва юксалиш сари дадил қадам ташламоқда. Энг инсоний, халқчил, ғоявий етук, бадиий баркамол бўлган маданиятларимизнинг эндиги равнақида ана шундай ўзаро учрашувлар, фикрлашувлар, талантлар маҳоратини ўзаро намойиш қилишнинг аҳамияти катта ва муҳим. Бизнинг бирбирларимиздан ўрганадиган ва ўргатадиган томонларимиз талайгина.

Декада кунлари бутун Ўзбекистон катта байрам қувончи билан яшади. Аму ва Сирдарё бўйларида, қадимий, навқирон Самарқанд ва Бухорода, бўстонга айланаётган чўллар бағрида, республикамиз кўрки — яшил Фарғонада, машъал Хоразмда, Сурхон ва Қашқадарёнинг гуркираган шаҳру қишлоқларида халқимиз азиз қардошларимизни катта меҳр-муҳаббат, нону туз билан кутиб олдилар. Белоруссиялик биродарларимиз ўзларининг ёрқин, оригинал, етук ва ҳаётий санъатлари билан халқимиз дилини мафтун қилиб олдилар. Декада икки халқ дўстлигининг, совет халқлари дўстлигининг улуғвор намойишига айланиб кетди. Ҳаяжонли, унутилмас учрашувлар, ижодий фикр олишувлар, баҳор ва дўстлик ҳис-туйғулари билан зийнатланган анжуманлар халқимиз қалбида узоқ сақланажак. Энг муҳими, қардош санъаткорлар ўзбек халқининг қадимий ва навқирон маданияти билан, унинг баҳодирона яратувчилик меҳнати билан, коммунистик қурилишда эришган буюк зафарлари билан яқиндан танишдилар. Демак ўз ижодий уфқларини янада кенгайтирдилар ва ажойиб дўстлигимизни улуғловчи янгидан-янги асарлар билан халқларимизни хушнуд қилажаклар.

**Жондан азиз белорус қардошлар!** Ўзбек диёрига, қуёш ўлкасига, баҳор гулзорига келганингиз учун катта раҳмат, яна тез-тез дийдор кўришайлик. Белорус халқига бизнинг қизғин юрак саломимизни, энг яхши истакларимизни етказингиз. Гул-гул очилган санъатингиз, инсон тафаккурини мафтун этган адабиётингиз, қувноқ қўшиқларингиз ўзбек осмонида янграйверсин.

Кўришгунча хайр, азиз биродарлар!

**Қарши шаҳридаги 1-қурилиш бошқармасининг қўли гул бинокорларидан А. Ғаниев ва М. Оролбоев ўртоқлар уй-жой биноларини ўз ҳамкасблари билан ҳамкорликда сифатли қурмоқдалар. Суратда: ана шу илғор қурувчиларни кўриб турибсиз.** А. Тўраев фотоси.

# ХАЛҚ НОМЗОДЛАРИ

## *СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ДЕПУТАТЛИГИГА НОМЗОДЛАР КЎРСАТИЛМОҚДА*

### СВЕРДЛОВСК ОБЛАСТИ

«Уралхиммаш» заводи майдонида минглаб кишилар тўпланишди. Йиғилиш Л. И. Брежневни ва КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари **Андрей Павлович Кириленкони** СССР Олий Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатди.

Ирбит районидаги «Родина» колхозининг умумий йиғилишида **А. Н. Косигин** ва колхознинг энг яхши сут соғувчиси **Валентина Алексеевна Хинкина** Ирбит сайлов округидан СССР Олий Совети Иттифоқ Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатилди.

### БЕЛОРУССИЯ ССР

Минск камволь комбинатининг тўқимачилари ўзларининг меҳнатдаги муваффақиятлари учун фахрланиб йиғилишга тўпландилар.

Йиғилиш КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари **Кирилл Трофимович Мазуровни** Минск шаҳар биринчи сайлов округидан СССР Олий Совети Иттифоқ Советининг депутатлигига номзод қилиб кўрсатишга якдиллик билан қарор қилди.

Минск автомобиль заводи ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларининг йиғилиши ёғоч ташувчи автомобиллар ишлаб чиқарадиган цех сайқалчиси **Анна Ивановна Ясюченани** СССР Олий Совети Иттифоқ Советининг депутатлигига якдиллик билан номзод қилиб кўрсатди.

### МОЛДАВИЯ ССР

Республика пойтахти Кишиневнинг шарқи-шимолий чеккасида барпо қилинаётган саноат зонаси Новий Чеканнинг қурилиш майдончаларидан бирида «5-промстрой» тресги 8-қурилиш бошқармасининг коллективи йиғилишга тўпланди. Қурилиш бошқармаси партия бюроси секретари М. Д. Петрушинанинг **Л. И. Брежневни** Иттифоқ Совети депутатлигига Кишинев сайлов округидан номзод қилиб кўрсатилсин, деган таклифи якдиллик билан маъқулланиб кутиб олинди.

Монтажчи Е. И. Цуркан бу таклифни қизғин қувватлади ва Кишиневнинг донгдор бинокори коммунист **Георгий Андреевич Селецкийни** ҳам шу округдан депутатликка номзод қилиб тавсия этди.

Лазовский районидаги Калинин номли қишлоқ хўжалик артели колхозчиларининг йиғилишида Н. В. Подгорний ҳамда Калинин номли қишлоқ хўжалик артели комплекс механизация звеносининг раҳбари, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, КПСС XXIII съездининг делегати **Виктор Дмитриевич Казак** Лазовский сайлав округидан Миллатлар Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатилдилар.

### ЛЕНИНГРАД

Балтика заводининг минглаб кемасозлари ўз номзодларини кўрсатишга бағишланган йиғилишга тўпланишди. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони В. А. Смирнов сўз олади. Унинг Балтика заводи коллективидан Л. И. Брежнев СССР Олий Совети Иттифоқ Советининг депутатлигига номзод қилиб кўрсатилсин, деган таклифини йиғилиш қатнашчилари гулдурос қарсаклар билан кутиб оладилар.

Киров заводи коллективининг умумий йиғилишида штамплар ва мосламалар цехининг слесари Н. Г. Карташев сўзга чиқди. У, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари **Михаил Андреевич Сусловни** Киров сайлав округидан СССР Олий Совети Иттифоқ Советининг депутатлигига номзод қилиб кўрсатишни таклиф этди.

Ленинград оптика-механика бирлашмаси ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларининг умумий йиғилиши КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитети секретари **Александр Николаевич Шелепинни** СССР Олий Совети Миллатлар Советининг депутатлигига Ленинград шаҳар сайлов округидан номзод қилиб кўрсатишга бир овоздан қарор қилди.

### КРАСНОДАР УЛКАСИ

Кореновский районидаги Ленин номли қишлоқ хўжалик артелининг 700 дан кўпроқ колхозчиси колхоз клубига тўпланишди. Улар колхоз раиси В. С. Соболенконинг КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари **Дмитрий Степанович Полянский** СССР Олий Совети Миллатлар Советининг депутатлигига Краснодар сайлов округидан номзод қилиб кўрсатилсин, деган таклифини якдиллик билан қувватладилар.

### ЛАТВИЯ ССР

П. Стучка номидаги Латвия Давлат университети профессор-ўқитувчилар состави ва студентларининг сайлов олди йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда университет партия комитетининг секретари Я. Я. Страутманис, 1917 йилдан бери КПСС аъзоси, доцент Я. В. Либет ва бошқалар сўзга чиқди.

Университет коллективи КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги партия контроли комитетининг раиси **Арвид Янович Пельшени** Киров сайлов округидан Миллатлар Совети депутатлигига якдиллик билан номзод қилиб кўрсатди.

### АРМАНИСТОН ССР

В. И. Ленин номидаги Арманистон электр машинасозлиги заводи коллективининг йиғилишида ишчи А. Саркисян сўзга чиқди. У, Л. И. Брежневни Ереван — Ленин сайлов округидан СССР Олий Совети Иттифоқ Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатишни таклиф қилди. Электр машинасозлар коллективи Арманистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари **Антон Ервандович Кочинянни** ҳам депутатликка номзод қилиб кўрсатди.

Ереван кабель заводининг ишчилари, инженер-техник ходимлари КПСС Марказий Комитетининг аъзоси **Анастас Иванович Микоянни** Ереван—Ленин сайлов округидан Миллатлар Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатдилар.

### УКРАИНА ССР

«Точэлектроприбор» заводи маданият саройининг катта зали шу корхона ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари билан лиқ тўлди. Слесарь В. Г. Коробейченкога сўз берилади.

— Мен, — дейди у, — КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Украина Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари **Пётр Ефимович Шелестни** СССР Олий Совети Иттифоқ Советининг депутатлигига номзод қилиб кўрсатишни таклиф қиламан.

Йиғилиш қатнашчилари **П. Е. Шелестни** Киев — Жовтневое сайлов округидан СССР Олий Совети Иттифоқ Советининг депутатлигига номзод қилиб кўрсатишга якдиллик билан қарор қилдилар.

### ТОШКЕНТ

Тошкентдаги Октябрь революцияси номли тепловоз-вагон ремонт заводининг коллективи май олди меҳнат вахтасини муносиб ишлар билан нишонламоқда. 25 апрелда ишлаб чиқариш ходимларидан бир мингдан ортиқ киши СССР Олий Совети депутатлигига ўз номзодини кўрсатиш учун республиканинг ана шу энг кекса корхонаси клубига тўпланишди.

Коммунистик меҳнат бригадасининг бошлиғи, электрик слесарь А. Ф. Носенкога сўз берилади.

Мен, — дейди у, — КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари **Шароф Рашидович Рашидовни** Тошкент — Ленин сайлов округидан СССР Олий Совети Миллатлар Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатишни таклиф этаман.

Электр пайвандчи П. П. Суворова, пўлат эритиш цехининг мастери Ф. Н. Егоров, электр машина цехи слесарлари бригадасининг бошлиғи Н. М. Железнов, заводнинг бошлиғи Р. Т. Тадулевич бу таклифга қўшилдилар.

Йиғилиш Шароф Рашидович Рашидовни Тошкент — Ленин сайлов округидан СССР Олий Советининг Миллатлар Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатиш ва ундан шу округ бўйича овозга қўйилиш учун розилик беришни сўраш тўғрисида якдиллик билан қарор қабул қилди.

1-пойафзал фабрикасида, «Қизил тонг» тикувчилик фирмасида ва Низомий номидаги педагогика институтида ўтказилган сайлов олди йиғилишларининг қатнашчилари ҳам ўртоқ Ш. Р. Рашидов номзодини қўллаб-қувватлаганликларини билдирдилар.

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси механика ва ҳисоблаш маркази институтининг коллективи 25 апрелда ўтказилган сайлов олди йиғилишида институтнинг старший илмий ходими А. И. Мартемьяновнинг КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси **Алексей Николаевич Косигинни** Тошкент — Киров сайлов округидан СССР Олий Советининг Иттифоқ Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатиш тўғрисидаги таклифини қизғин маъқуллади.

Техника фанлари кандидати И. Х. Убайдуллаев бу таклифни қувватлаб, механика ва ҳисоблаш институтининг директори, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги **Василь Кабулович Кабуловни** СССР Олий Советининг Иттифоқ Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатди. В. К. Кабулов Улуғ Ватан урушининг қатнашчиси. У кўпгина илмий асарларнинг автори бўлиб, ёш илмий кадрларни зўр гамхўрлик билан тарбиялаб ўстирмоқда.

Йиғилиш А. Н. Косигин ва В. К. Кабуловни Тошкент — Киров сайлов округидан СССР Олий Советининг Иттифоқ Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатиш тўғрисида якдиллик билан қарор қабул қилди.

### АНДИЖОН ОБЛАСТИ

Ленин районидаги «Правда Востока» колхозининг байрамдагидек безатилган клубида СССР Олий Совети депутатлигига номзодлар кўрсатишга бағишланган сайлов олди йиғилиши бўлди. Бу йиғилишда кўп киши қатнашди. Колхоз раиси, КПСС XXIII съездининг делегати Зокиржон Собировга сўз берилди.

— Мен, — деди у, — СССР Олий Совети Миллатлар Совети депутатлигига номзод қилиб республика Олий Совети Президиумининг Раиси **Ёдгор Содиқовна Насриддиновани** кўрсатишни таклиф қиламан.

Колхоз комсомол ташкилотининг секретари Эргаш Абдуллаев, чорвачилик фермасининг мудири Азимжон Қорабоев, участка агрономи Умарали Мўминов, маҳаллий мактаб ўқитувчиси Матлуба Бозорова ва бошқалар бу таклифни қўллаб-қувватладилар.

Йиғилиш Ленин сайлов округидан СССР Олий Совети депутатлигига номзод қилиб Ё. С. Насриддиновани кўрсатишга якдиллик билан қарор қабул қилди.

«Андижон» нефть кони коллективининг сайлов олди йиғилишида ҳам Ё. С. Насриддинованинг номзоди якдиллик билан тилга олинди.

### САМАРҚАНД ОБЛАСТИ

Самарқанддаги «Красний двигатель» заводининг клуби «КПСС XXIII съездининг тарихий қарорларини амалга ошириш учун актив кураш олиб борамиз!», «СССР Олий Советига халқимизнинг энг яхши вакилларини депутат қилиб сайлаймиз!» деган даъватлар ёзилган транспарантлар билан безатилган.

Бу ерда бўлиб ўтган сайлов олди йиғилишида заводнинг энг кекса ходими — аппаратчи А. И. Соломатин сўз олади.

— Мен, — деди у, — Самарқанд шаҳар сайлов округидан СССР Олий Совети депутатлигига номзодимиз қилиб КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари **Леонид Ильич Брежневни** кўрсатишни таклиф қиламан.

Инженер Г. А. Токнян бу таклифни қўллаб-қувватлаб, СССР Олий Совети Миллатлар Совети депутатлигига номзод қилиб шу корхонанинг кекса ишчиси, актив жамоатчи **Жалол Ғиёсовни** кўрсатади.

Йиғилиш Самарқанд шаҳар сайлов округидан СССР Олий Совети депутатлигига номзод қилиб Леонид Ильич Брежневни ва Жалол Ғиёсовни кўрсатиш тўғрисида бир овоздан қарор қабул қилади.

### ФАРҒОНА ОБЛАСТИ

Қува районидаги «Коммунизм» колхози аъзоларидан 300 дан кўпроқ киши мамлакат давлат ҳокимиятининг олий органига ўз вакилларини кўрсатиш учун тўпланди.

Колхознинг участка агрономи А. Орипов биринчи бўлиб сўз олади. КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Украина Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари **Петр Ефимович Шелестни** СССР Олий Совети Иттифоқ Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатиш тўғрисидаги унинг таклифини бу ерга тўпланган кишилар қарсаклар билан кутиб оладилар.

Колхознинг бригада бошлиғи Абдулла Ҳамидов бу таклифни маъқуллаб, «Коммунизм» колхозининг раиси **Муса Шербўтаевни** Иттифоқ Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатишни тавсия этади.

Йиғилиш қатнашчилари Фарғона сайлов округидан СССР Олий Совети Иттифоқ Совети депутатлигига номзод қилиб Петр Ефимович Шелестни ва Муса Шербўтаевни кўрсатиш тўғрисида якдиллик билан қарор қабул қилдилар.

### ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ

Ўрта Чирчиқ районидаги «Полярная звезда» колхозида бўлиб ўтган кўп кишилик йиғилишда колхоз раиси, икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ким Пен Хва биринчи бўлиб сўзга чиқди. У, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари **Владимир Григорьевич Ломоносовни** Ангрен сайлов округидан СССР Олий Совети Иттифоқ Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатишни таклиф қилди.

Комплекс механизациялашган звено бошлиғи Шарап Тавбаев, дала мудири Т. Тоштенов, ўрта мактаб директори Д. А. Цай, колхоз аъзоси Р. Шевкиев ва бошқалар ана шу таклифни маъқулладилар. Йиғилиш В. Г. Ломоносовни СССР Олий Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатишга якдиллик билан қарор қилди.

Чирчиқ электрохимия комбинатида бўлиб ўтган сайлов олди йиғилишининг қатнашчилари КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси **Николай Викторович Подгорнийни** СССР Олий Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатиш тўғрисида бош энергетик Е. П. Калининнинг таклифини қарсаклар билан кутиб олдилар.

Инженер А. Илёсов кўрсатилган таклифни қўллаб-қувватлаб, ишлаб чиқариш новатори, минерал ўғитлар цехининг аппаратчиси **Анна Павловна Косеванн** Чирчиқ сайлов округидан Миллатлар Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатганида, яна қарсаклар бошланади.

Якдиллик билан қабул қилинган қарорда химиклар Н. В. Подгорнийни ва А. П. Косевани СССР Олий Совети депутатлигига номзодлар қилиб кўрсатдилар. (ЎзТАГ).

## СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

СССР Министрлар Совети олхўри ва олма мева консерваларининг давлат чакана нархларини 1966 йил 25 апрелдан бошлаб тушириш тўғрисида қарор қабул қилди:

компотларнинг чакана нархи ўрта ҳисобда 30 процент,

мураббоЛарнинг нархи ўрта ҳисобда 20 процент,

сокларнинг нархи ўрта ҳисобда 15 процент туширилади.

Мева консервалари чакана нархларининг туширилганлиги бир йилга ҳисоблаганда жами қарийб 105 миллион сўмни ташкил қилади.

## ТАСС АХБОРОТИ

**Космик объектлар учун янги системаларни такомиллаштириш мақсадида 1966 йил 25 апрелдан 31 июлгача бўлган давр ичида Совет Иттифоқида Тинч океан акваториясининг чегаралари қуйидагича бўлган районларига учирувчи ракеталар учирилади:**

**Марказининг координатлари шимолий кенгликнинг 37 градус 14 минути ва шарқий узунликнинг 172 градус 49 минутида бўлган 40 денгиз миляси доираси;**

**— Марказининг координатлари шимолий кенгликнинг 26 градус 50 минути ва шарқий узунликнинг 176 градус 10 минутида бўлган 40 денгиз миляси доираси.**

**ТАСС шуни айтишга вакил қилинганки, хавфсизликни таъминлаш мақсадида Совет Иттифоқи ҳукумати Тинч океандаги денгиз ва ҳаво йўлларидан фойдаланаётган бошқа мамлакатларнинг ҳукуматларидан ҳар куни тушдан кейин маҳаллий вақт билан соат 12 дан 24 гача кемалар ва самолётларни акватория ва ҳаво бўшлиғининг ана шу районларига киритмаслик тўғрисида тегишли органларга кўрсатма беришни илтимос қилади.**

## МЕҲНАТ ЗАФАРЛАРИ

Дони Жабборов, Мақсуд Адизов, Латиф Қаюмов сингари ўнлаб ишчилар 1 Май байрами шарафига бошланган мусобақанинг олдинги сафида бормоқдалар. Цех бошлиғи Муҳаммад Табиев ишчилар ғайрат-шижоат кўрсатиб меҳнат қилаётганлигини, тўрт ойлик планни бажариб қўйишганини, ярим йиллик планни байрамгача бажаришга аҳд қилганликларини сўзлайди.

Ғиждувон пахта заводи коллективи беш йилликнинг дастлабки кунлариданоқ баракали меҳнат қилмоқда. Кейинги уч ой ичида 8600 ўрнига 8968 тонна тола, 15.197 тонна ўрнига 17.053 тонна уруғлик чигит тайёрланди.

И. ОМОНОВ,
Бухоро области.

* * *

Фарғона область чорвадорлари XXIII съезд қарорларига амалий иш билан жавоб бераётирлар. Унлаб хўжаликлар гўшт топшириш ярим йиллик планини бажариб қўйди. Бағдод районидаги «Қизил Ўзбекистон», Фарғона районидаги Турсунқулов номли, Ўзбекистон районидаги «Ўзбекистон», Қува районидаги Карл Маркс номли ва «Ўзбекистон» колхозларининг чорвадорлари эса гўшт топшириш йиллик планларини областда биринчилар қатори адо этдилар. Ҳозир бу хўжаликлар беш йилликнинг иккинчи йили ҳисобига гўшт топшириш учун яна жуда кўплаб молларни боқувга қўйишди.

А. НАБИХУЖАЕВ,
М. МАНСУРОВ,
«Совет Ўзбекистони» махсус мухбирлари.



Сурхон—Шеробод каналини бунёд этаётган азаматлар суръатни кундан-кунга оширмоқдалар. Сиз бу суратда сув келтираётган азиз қурувчилардан Ҳатам Мўминов ва Жўра Пардаев ўртоқларни кўриб турибсиз. Улар унумли ишлаб, барча қурувчиларга намуна бўлмоқдалар.

А. Тўраев фотолари.

## ПАРРАНДАЧИЛАР ҒАЛАБАСИ

САМАРҚАНД. («Совет Ўзбекистони» мухбири). КПСС Марказий Комитети 1 Май Чақириқларидан руҳланган Самарқанд областининг паррандачилари улуғ айём арафасида улкан зафар қучдилар. Область хўжаликлари (давлат паррандачилик фабрикаларидан ташқари) беш йилликнинг биринчи йили учун белгиланган давлатга тухум сотиш планини ошириб бажардилар.

Область паррандачиларининг бу ғалабасига Хатирчи, Нурота, Самарқанд районларининг паррандачилари катта ҳисса қўшдилар. Хатирчи райони йиллик тухум тайёрлаш планини 138 процент, йирик чорвадор Нурота районы паррандачилари 118 процент бажардилар. Пастдарғом, Пайариқ, Хатирчи, Иштихон матлубот жамиятлари, тайёрлов конторапаларининг ходимлари катта ташаббус кўрсатиб ишладилар.

КПСС XXIII съезди қарорлари — оммага

## ЖАНГОВАР ПРОГРАММА

УРГАНЧ («Совет Ўзбекистони» мухбири). Хоразм области партия ташкилоти активининг йиғилиши КПСС XXIII съезди белгилаб берган буюк вазифаларни, беш йилликнинг улуғвор режаларини шараф билан амалга ошириш шиори остида ўтди. КПСС XXIII съездининг якунлари ва область партия ташкилотининг вазифалари тўғрисидаги доклад ишчанлик руҳида муҳокама қилинди.

Область партия комитетининг биринчи секретари Б. Раҳимов докладида КПСС XXIII съездининг тарихий аҳамияти, коммунистик қурилишнинг янги босқичидаги вазифалар, Хоразм областининг беш йиллик марралари муфассал кўрсатиб берилди.

Докладда ва музокараларда бутун эътибор конкрет масалаларга, амалий вазифаларни ҳал этишга каратилди. Пахта ялпи ҳосилини ва ҳосилдорликни ошириб бориш, гектаридан 30-35 центнердан кам ҳосил оладиган хўжалик қолмаслигига эришиш, пахта таннархини арзонлатиш, чорвачиликни ва ҳамма тармоқларни рентабелли қилиш — қишлоқ хўжалиги соҳасидаги энг муҳим вазифалардир. Беш йилликда деҳқончиликни ва чорвачиликни комплекс механизациялаш кенг кўламда амалга ошириладн.

КПСС XXIII съезди Директивалари саноат, қурилиш, транспортни ривожлантиришда янги истиқболларни очиб беради. Беш йилликда областда ўнта саноат корхонаси, жумладан ёғ-экстракция заводи, пиллакашлик фабрикаси, мева ва сабзавот консервалари заводи қурилади. Пахта тозалаш заводлари реконструкция қилинади. Туямўйин гидроузели қурилишига киришилади. Экономика билан бир қаторда маданият ҳам юксалади.

«Хонқа» совхози бу йил 6 минг тонна, беш йилликнинг охирига бориб 9 минг тонна шоли етиштиради. Совхоз рентабел хўжаликка айланди. Аммо мактаб, кинотеатр ва бошқа маданий-маиший бинолар қуриш пайсалга солинмоқда. Совхоз партия комитети секретари К. Саъдуллаев шоликорлар эҳтиёжини яхшироқ қондириш талабини ўртага қўйди.

Хива район ижроия комитети раиси Н. Худойберганов қишлоқ қурилишининг етилган масалаларига, область партия комитети секретари Р. Эшжонов чорвачиликдаги қолоқликни тугатиш тадбирларига тўхталдилар. «Хоразм ҳақиқати» газетасининг редактори Эгам Раҳимов ўз сўзини съезд материаллари пропагандасига бағишлади. Ҳамма нотиқларнинг тилларида партичвий иш услубини такомиллаштириш, сиёсий-тарбиявий ишни кучайтириш, бошланғич партия ташкилотлари фаолиятини, коммунистларнинг авангардлигини ошириш масалаларига кенг ўрин берилди.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети секретари Р. Нишонов партия активи йиғилишида қатнашди ва нутқ сўзлади. Область партия ташкилоти активи йиғилишининг қарорида КПСС XXIII съезди қарорлари, беш йиллик план юзасидан Директивалар бирдамлик билан ва тўла маъқулланди, раҳбарлик ҳамда амалга ошириш учун қабул қилинди.

## КАТТА ВАЗИФАЛАР

НУКУС («Совет Ўзбекистони» мухбири). Қорақалпоғистон область партия активининг йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда область партия комитетининг биринчи секретари Қ. Камолов КПСС XXIII съезди якунлари ва область партия ташкилотининг вазифалари тўғрисида доклад қилди.

Музокараларда Чимбой район партия комитетининг биринчи секретари Х. Жумамуродов, Нукус шаҳар партия комитетининг секретари В. Бродский, КПСС XXIII съезди делегати Д. Қолмурзаева, Тахиатош шаҳар ижроия комитетининг раиси Т. Қаипназаров, область комсомол комитетининг биринчи секретари С. Қаниёзов ўртоқлар сўзладилар.

Актив йиғилиши XXIII съезд қарорларини, материалларини якдиллик билан маъқуллади.

Актив йиғилишида Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Р. Қурбонов иштирок этди ва нутқ сўзлади.

САЙЛОВЧИЛАР ЎЗ ДЕПУТАТЛАРИ ҲАҚИДА

## МИННАТДОРМИЗ

Биз депутатликка ўртоқ М. Асриевни танлаб, яхши қилган эканмиз. У кишининг ажойиб одати бор. Бирон ариза ёки наказ билан борсак уни бажаришга ҳамиша вақт топади. Энг муҳими ариза ва шикоятни аввало чуқур ўрганади, уни бажариш мумкинлигига ишонгач, ўзи бориб ҳал этади. Баъзилар наказни бажариши лозим бўлган корхона ёки ташкилот директорини чақириб, халқ талабини бажариш кераклигини уқтирадиляр-у, лекин унинг нетидан юрмайдилар. Оқибатда қоғозбозлик кўпайди, асаблар бузилади, битадиган иш ҳам битмай қолади. Бошқа бир депутатлар эса наказ бўйича юқорироқ ташкилотларга, масалан, район, шаҳар ижроия комитетларига мурожаат қилиб ёрдам беришни сўраш билан чегараланадилар. Бизга депутатимиз М. Асриевнинг қуйидаги иш услуби жуда маъқул тушди. У киши ариза ёки илтимосномани олгач ташкилотларга мурожаат қилишдан аввал тўғри мурожаат қилган кишиларнинг уйига ёки ишхонасига боради. Унинг ҳақлигини, зарурлигини, кўпчилик ирадасига мос келиш-келмаслигини ўрганади. Сўнгра қилиниши лозим бўлган ишнинг имконияти тўғрисида ўйлайди.

— Кўп нарсаларни жамоат йўли билан бажарса бўлади. Биз наказларни ижро этишда кўпроқ мана шу йўлдан борамиз. Агар уларни давлат планларига киргизиб, навбат билан бажарилишини кутиб ўтирсак анча вақт кетади. Шунинг учун кўпроқ халқнинг қудратли кучидан, ажойиб анъанакаларимиз ҳашар ва шанбаликдан фойдаланишга ҳаракат қиламиз, — дейди М. Асриев. У ҳақ гапни айтади.

Бу йўл биз жамоатчиларга ҳам жуда мақбул. Кўп ишларимиз депутатимиз бошчилигида яхши ва тез битмоқда. Маҳаллада депутатни танимаган киши йўқ, десак бўлади. У кишининг яна бир одати сайловчилар қачон мурожаат қилиб келар экан, деб кутиб ўтирмайди. Ишдан бўш вақтларида маҳалла чойхонасига, идорасига келиб кишилар билан суҳбатлашиб, талаб ва эҳтиёжларини ўрганади. Биз бунинг учун ҳам Михаил акадан жуда миннатдормиз. У кишининг ёрдамида Сўзана, Кўчма тупикларига, маҳалла чойхонаси саҳнига асфальт ётқизилди.

Депутат маҳалладаги ҳар бир хонадонга қадрдон бўлиб қолган. Кишилар маслаҳат учун ҳам унга келадилар. Яқинда Ризода Адҳамова деган бир аёл тоби қочиб, дам олиш ниятида эканлигини, аммо имконияти йўқлигини айтиб, ёрдам беришни депутатдан сўради. М. Асриев унинг аҳволини тушуниб, тегишли ташкилотларга учрашиб, марказий санаторийлардан бирига путёвка олиб берди. Дам олиб келгач бориб кўриб, ўзига яраша иш топиб беришга ёрдам кўрсатди.

Маҳалламизда Лутфи Алимова деган ёлғиз она бор эди. Унинг болалари кўпинча оналари хизматдан қайтгунча кўчаларда қийналиб юрар эдилар. Депутат бу болаларнинг кимлигини, нега кўпинча кўчада юришини суриштирди. Биз воқеани тушунтиргач Лутфи Алимованинг болаларини мактаб-интернат ва болалар боғчасига жойлаштиришга, улар учун тўланадиган пулдан озод қилишга ёрдам берди. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

— Бу ишларни бажаришда Чилонзор район ижроия комитети яқиндан ёрдам беряпти,— дейди камтарлик билан депутатимиз. Биз айтамизки, маҳаллий Советлар халқ наказини бажаришга ҳамиша тайёр. Депутатлар ўз бурчларига сидқидиллик билан қараб, ташаббус кўрсатиб ишлашлари, ўртоқ М. Асриев каби район, шаҳар ва область ижроия комитетларининг, партия ва ҳукуматимизнинг катта ғамхўрликларидан ва имкониятларидан кенг фойдаланишлари лозим.

Биз Тошкентдаги асфальт-бетон заводининг директори ўртоқ М. Асриев каби 99, 100 ва 101-сайлов округлари бўйича халқ хизматкорлигига сайлаган депутатларимиз 3-болалар уйининг директори Л. М. Шитова, сил касалликлари диспансерининг врачи А. Х. Абдуллаева ўртоқлардан ҳам миннатдормиз. Улар бизнинг маҳалламизга тез-тез келиб, фаолиятлари тўғрисида ҳисоб бериб турадилар, наказларимизнинг бажарилишига, маҳалламизнинг обод, озода бўлишига ёрдамларини аямайдилар. Ишончимизни оқлаётган депутатларимизга яна бир марта раҳмат айтамиз.

Маҳмуд ТУЛАГАНОВ,
Чилонзор районидаги «Обод» маҳалла комитети раисининг ўринбосари, пенсионер.

ЎЗБЕКИСТОНДА БЕЛОРУС АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ ДЕКАДАСИ

## ҚАРДОШЛАРИМИЗ ИЖОДИДАН

# БЕЛКУРАК

Янка СИПАКОВ.

ҲАЖВИЯ

(ЁҚЛАНГАН ДИССЕРТАЦИЯНИНГ СТЕНОГРАФИЯСИ)

АВТОРЕФЕРАТ: — Ўртоқлар, мен энг кам текширилган белкурак ҳақида шунчаки илмий-текшириш ишлари олиб бораётганим йўқ. Ўзларингизга маълумки, ушбу йиғилишимизнинг раиси ҳурматли Александр Петрович мени бу ишга илҳомлантирдилар. **(Қарсаклар, ура! деган хитоблар янграйди).** Сизларга маълум қилишим керакки, мен бу жуда оғир, айтиш мумкинки, ниҳоятда оғир ишдан катта завқ-шавқ олдим. Институт директори Александр Петровичнинг ва ҳамкасаба дўстларимнинг доимий ғамхўрлиги туфайли диссертациямни тугаллай олдим. **(Қарсаклар. Александр Петрович қониқиш билан бошини қимирлатади).** Ўртоқлар, чуқур текширишлар жараёнида мен белкурак қуйидагилардан иборат, яъни:

а) белкуракнинг ўзи,

б) ошиқ-мошиқ ўрнатилматан, яъни масалан, учта ёғоч мих билан қоқилиб йиғилган дастадан иборатдир, — деган энг қизиқ, мутлақо янги ва фавқулодда муҳим хулосага келдим.

Шу пайтгача турли фан кандидатлари бахтга қарши белкуракни ҳафсала билан таркибий қисмларга ажратишни хоҳлашмаганликлари туфайли замонавий фанимизга зарар келтирилганлигини қайд қилиш керак. Буни мен, жўнроқ қилиб айтганимда, баъзилар ҳали ҳам белкуракнинг катта ролини, бажараётган ишларининг моҳиятини, лотинча номланган... (автор қандайдир лотинча сўзни айтиб ғулдирайди) белкуракнинг бизнинг хўжалигимиздаги мавқеини тушунмаётганлигини консерватизм деб баҳолаган бўлардим **(«Қойилмиз, офарин!» деган овозлар).**

Мен қўл урган темани ишлаш шунчалар қийин, шунчалар қийин бўлдики, бу темада қарийб, мутлақо десам ҳам бўлади, ҳеч қандай адабиётлар йўқ. Тўғри, у ҳақда баъзи мулоҳазалар бор, масалан: эрамизгача иккинчи асрда яшаган Гелипонт: «Қани, менга белкурак беринглар, белкурак!» деган. Эрамизгача учинчи асрда яшаган Абдураҳмон Маҳмуд «Юринг дарё бўйига, чувалчанглар ковлаймиз». Диққат қилинг — «Ковлаймиз». Хўш нима билан деган савол туғиладн? **(Курсив меники).** Кейин Медвед. Йигирманчи асрнинг 60 йилларида яшаган Медвед эса: «Курагичи ерга тегизди», деган иборани ишлатади.

Бу хилдаги фикр ва мулоҳазаларнинг бундай жиддий иш учун етарли эмаслигини ўзларингиз ҳам яхши тушуниб турибсизлар. Шундай бўлса-да, бугун сизларга диссертация битди, у сизларнинг қўлингизда деб айтишим мумкин. У қуйидаги қисмлардан иборат:

1. Қадимий греклар белкурак ҳақида.

2. Белкуракнинг одамнинг маймунга айланишидаги зарурий шартлардан бири эканлиги... кечирасизлар, хато гапирибман: Мен «...Маймуннинг одамга айланиши» деб ёзиб қўйган эканман.

3. Белкуракнинг киши нутқига таъсири. Масалан, куракларимгача зирқираб кетди ва шунга ўхшашлар.

4. Белкуракнинг халқаро аҳамияти.

Мана шулар. Шу билан тамом. Эътиборларингиз учун ташаккур.

ОППОНЕНТ: — Сизларга маълумки, мен диссертантга қатъий ва объектив равишда ёндошишим керак. Мен диққатларингизни қуйидаги камчиликларга жалб этмоқчиман:

а) ҳурматли диссертант бизнинг ишончимизни суиистеъмол қилиб, илмий ишнинг баъзи бир ўринларида асосий ишнинг мазмунига путур етказадиган хилма-хил фактларни ҳам киритиб юбораверган. У тарихий фактлардан эркин фойдаланишга жуда берилиб кетган. Абдураҳмон Маҳмуднинг философияси ҳақида гапирганда Дураҳман Муднинг фикрларини ҳам аралаштириб юборган. Кейин у чувалчанглар тўғрисида гапиради. Философ Муд эса «қармоқларни кўминг» деб ёзган. Ўзим, ўртоқлар, балиқчиман. Шунинг учун ҳам қайд қилинган проблемани жуда яхши биламан. Бундан ташқари ўша қадимий вақтларда белкурак билан ер ўйишганмикан? Эҳтимол, қўлда кавлашгандир? Диссертант буни исбот қилмади **(Александр Петрович норозилик билан бошини чайқайди ва залда жимжитлик сақланаётган бўлса-да, қалам билан графинни уриб қўяди).**

б) қандайдир бир Медвед ҳақидаги гаплари ҳам қоронғи, ишониб бўлмайди. Мен бунақанги олимни танимайман, ҳар ҳолда бу ерда илим соҳталаштирилган. Тўғри-да, ўзларингиз ўйлаб кўринглар, «курагини ерга тегизди» эмиш. Бу ерда аниқлик йўқ. Ҳеч ким шунақа деб гапирмайди. Оригиналида эса «елка курагини ерга тегизди» дейилган эди.

в) автор диссертациясининг белкурак таркибий қисмлари таҳлил қилинган бобида, унинг айрим томонларини эътибордан четда қолдирган. Ҳолбуки, белкуракнинг учи ўткир, тепа томони қайтарилган бўладики, бу иш унумдорлигини оширишга хизмат қилади.

г) диссертант «Белкуракнинг халқаро аҳамияти» деб номланган қисмида ажойиб фикрларни ифодалаган. Бу ерда инсоният даврлар ўтиши билан турли хил экскаваторлардан ҳафсаласи пир бўлиб, ибтидоий одамларнинг буюк кашфиёти — белкуракка, яна қайтишини илмий равишда исбот этадиган фактларни қайд қилиб ўтганда яна ҳам яхши бўларди. Умуман диссертация қизиқарли ёзилган, айниқса янги фикрларга бойлиги билан бебаҳодир.

АСПИРАНТЛАР: Ёмонбоев, Телбаев ва Топилмасов бир-бирининг сўзини бўлиб қаттиқ қичқиришади:

— Бу илмий ишни ернинг тортиш қонуни назарияси билан бир қаторга қўйиш керак.

— Йўқолсин оппонент! У фанимизга қўшилажак янги бир кашфиётни инкор қиляпти!

— Диссертант инсониятга белкуракнинг туб моҳиятини тушунтириб берди. Яшасин кашфиётчи!

АЛЕКСАНДР ПЕТРОВИЧ: — Бу ерда, яъни масалан деяйлик, тортишувлар зўр бўлди. Бундай илмий фаразлар аксиомадай қабул қилишга арзирлидир. Такрор айтаман — аксиомага арзирлидир. Менинг назаримда давримизнинг мураккаб проблемаларини ҳал қила оладиган ҳақиқий гениал ишгина, ўз-ўзидан маълумки, мана шундай тортишувларга сабаб бўла олади, бу ерда аспирантлар шошилиб, яъни масалан деяйлик, дессертантимизни Ньютон билан тенглаштириб қўйишди. Яъни масалан, Ньютонни белкурак билан. Ҳали ҳатто мени ҳам биров Ньютон билан тенглаштирганича йўқ-ку. Бироқ ҳурматли оппонент ҳам диссертантга,айтиш мумкин, ғоят бирёқлама ёндошди. Такрор айтаман, қандайдир маҳмудлармн, чувалчангларми... деб бирёқлама ёндошди. Тема жуда улкан. Кўриб турибсизларки диссертант игна билан қудуқ қазигандек машаққат чекяпти-ю, илмий жиҳатдан ҳар томонлама асослаб бероляпти-ю, биз бўлсак, қандайдир чувалчанглар ҳақида гапириб бошини қотиряпмиз. Ҳа, яхши эмас. Такрор айтаман — яхши эмас. Мен, яъни масалан дейлик, диссертацияни ёқлаб овоз бераман. Қаршилар борми? Қайтараман, қаршилар борми? Йўқ, демак **(гулдурос қарсаклар).**

Янги кандидатни ўртоқлари — ёмонбоев, телбаев ва топилмасовлар табриклашади.

АВТОРДАН. Охирги жумлада нима учун стенографист қиз бўлғуси бу уч фан кандидатларининг фамилияларини кичик ҳарфлар билан ёзганига тушуна олмай гап нимада эканлигини тушуниб олишни муҳтарам ўқувчининг ўзига ҳавола қиламан. Эҳтимол, стенографист қизнинг ҳам бунга бирор асоси бордир.

**Русчадан Т. УНАБОЕВ таржимаси.**

Петрусь МАКАЛЬ

### ЎЙ

Шоир хаёлчан ҳолда
Кезиб юрди кун узун
Илҳом парисин излаб
Янги мавзуга ташна.
Бир вақт кўриб қолди у:
Кўз-кўз қилиб ўз-ўзин, —
Кўм-кўк ўтлоқ ичидан
Жўшиб чиқарди чашма.
Таги кўринар эди,
Жуда тиниқ эди у
Ва ҳар қанча ичсанг ҳам
Суви қуримас эди.
Шоир ундан сўраркан:
«Бунча тиниқ сенда сув,
Бунча сени одамлар
Тинмай мақтайди?» деди.
Чашманинг кумуш каби
Ҳалқа-ҳалқа мавжлари
Ўт-уланлар оралаб
Югуриб ўйнай кетди.
Жўшди чашма янада,
Қўшиғини авжлади,
Куй билан жавоб қилиб
Шоирга сўйлай кетди:
«Тўғри мени халқ мақтар,
Халқ мақтасин сени ҳам, —
Буни десанг мен каби
Покиза бўл, жўшқин бўл!
Мен чанқоқликни босиб
Баҳра бергандек ҳардам,
Сен ҳам халққа баҳра бер.
Халқнинг қалбига топ йўл!»

ШУНҚОР таржимаси.

СЎНГГИ ПОЧТАДАН

## ЗАРБДОР МАРРАЛАР

КПСС XXIII съезди тарихий қарорларини, янги беш йиллик вазифаларини конкрет мисолларда пропаганда қилиш, жонли рақамлар мағзини чақиб бериш — матбуотимизнинг, идеология ходимларининг шу кеча-кундуздаги ғоят муҳим вазифаси. Шу жиҳатдан қараганда «Ёш ленинчи» газетасининг 24 апрель якшанба сонида «Беш йилликнинг зарбдор марралари» деган умумий сарлавҳа остида берилган материаллар диққатга сазовордир.

КПСС XXIII съездининг Директиваларида пахтанинг ингичка толали навларини етиштириш кўпайтирилсин, 500 минг гектар майдондаги суғориладиган ерлар ишга туширилсин, Мирзачўл, Қарши дашти ва Сурхон — Шеробод водийсини суғориш ҳамда ўзлаштириш давом эттирилсин, дейилади.

Газета Қарши район комсомол комитетининг секретари Н. Уринов, «Каршистрой» комсомол комитетининг секретари Б. Рўзибоев, «Аврора» совхози комсомол комитетининг секретари Ҳ. Равшанов ўртоқларининг мақолаларини, Қарши чўлини бўстон этаётган азаматларнинг суратларини берган, Таллимаржон сунъий денгизини барпо қилаётган кишиларнинг меҳнати мадҳ этилган.

Газета улуғвор вазифаларни тушунтиришда факт, рақамлар тилидан яхши фойдаланган.

Тошкент области. КПСС XXIII съездининг СССР халқ хўжалигини 1966—1970 йилларда ривожлантириш бўйича беш йиллик план Директиваларига мувофиқ, Ўзбекистонда олтин қазиб чиқариш саноати барпо этилиши керак. Тошкент атрофидаги олтин конларидан қазиб олинган металл мамлакатда энг арзонга тушади. Олтинтопарлар ярим йиллик планни муддатидан илгари бажардилар. Олтин саноати корхоналарини барпо этишга сарфланган капитал маблағлар тез орада қопланиши равшан бўлиб турибди. Суратда: Олмалиқ карьерларидаги олтин майдонларини ўрганаётган ишбилармон геологлардан бири Анатолий Бронников.

Г. ПУН фотоси.
(ЎзТАГ фотохроникаси).

# БИТАРМИКАН?

«УЗГИПРОПИШЧЕПРОМ» ИНСТИТУТИ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА

Беш йиллик план юзасидан КПСС XXIII съезди Директивалари Урганч ёғ-совун заводи ишчилари ўртасида зўр кўтаринкилик уйғотди. Катта мақсад рўёбга чиқди. Хоразмда ёғ-экстракция заводи қурилиши беш йиллик планда кўзда тутилган.

Сўнгги вақтда уни кенгайтириш, реконструкция қилиш туфайли корхонанинг ишлаб чиқариш қуввати йилдан-йилга оширилди. (Эҳтимол, бу мақсадга сарф бўлган маблағлар йиғилса, янги заводнинг қимматидан ошиб кетар). 86,2 минг тонна ўсимлик ёғи, 17 минг тоннадан ортиқ совун ишлаб чиқарган завод коллективи етти йилликни яхши якунлади.

Хоразм пахта етиштиришда шу даражада илгарилаб кетдики, ялпи ҳосилнинг ўсиш суръатини илгариги йиллар билан таққослаб бўлмайди. Мавжуд завод областда тайёрланаётган пахта чигитини тўла қайта ишлаш имкониятига эга эмас. Ҳар йили ўрта ҳисобда 150 минг тонна чигит областдан ташқаридаги заводларга жўнатилади, бунга 500 минг сўм транспорт харажати сарфланади.

Янги ёғ-экстракция заводи қурилиши натижасида ишлаб чиқариш қуввати кескин ошади, бутун жараёнлар механизациялашади, автоматлашади. Кунжара таркибида қоладиган ёғ миқдорини камайтириш ҳисобига йилига 2000 тонна ёғ тежалади. «Узглавпишчеснаб» базасини сақлаб туришга зарурат қолмайди. Шуларнинг ўзидан йилига 3,3 миллион сўм иқтисод қилинади. Хуллас, ёғ-экстракция заводи қурилишига сарфланган маблағ 2.5-3 йилдаёқ қопланади.

Заводни тезроқ қуриб биткизишнинг иқтисодий фойдаси юқоридаги рақамлардан маълум. Қурилишга келгуси йилнинг бошида киришилиши керак. Бироқ «Узгипропишчепром» институти лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаб беришни чўзиб юбормоқда.

Ёғ-экстракция заводи қуриш проблемаси илгаридан кўтарилган бўлиб, институт 1959 йилда лойиҳа тузишга киришган эди. Йиллар ўтяпти, ишлар ҳануз чала. Дренажлар қурилмаси, қозонхона, инженерлик иншоотлари қурилиши ва бошқа масалалар муаммо.

Завод қурилишини белгиланган муддатда бошлаб юбориш учун лойиҳа-смета ҳужжатлари яқин 3-4 ой ичида қўлга тегиши зарур. Бу ишнинг пайсалга солиниши ҳар бир объектнинг тегишли технологик ускуналарига заявкалар бериш ва уларни ташиб келтиришни, ниҳоят қурилиш-монтаж ишларини кейинга суради. Муҳим объектларнинг фойдаланишга кечикиб берилаётганлигига лойиҳалаш ташкилотлари ҳам сабабчи эканлиги ҳеч кимга сир эмас. «Узгипропишчепром» институти лойиҳачилари етти йилдан буён битмаётган ишни яқин ойларда охирига етказишармикан? Шу савол завод дирекциясида ташвиш туғдирмоқда.

Ф. ЗОҲИДОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.
Р. БЕКНИЕЗОВ,
«Хоразм ҳақиқати» газетаси ходими.

МУТАХАССИС МАСЛАҲАТИ

# ЧИГИТ СУВИ

Пахтадан мўл ҳосил етиштиришда чигитни тез ундириб олиш ва тўла гектарлар ҳосил қилишнинг аҳамияти каттадир. Чигит эрта ундириб олинганда ғўза ривожланишининг дастлабки (шоналашгача) даврида унинг тез етилишига эришилади ва яганалаш, культивация, озиқлантириш каби агротехника тадбирларини муддатидан олдинроқ бажариш имкони туғилади.

Чигитнинг ўз вақтида униб чиқишига об-ҳаво, намлик ва тупроқнинг аэрацияси жиддий таъсир қилади. Бу йилги баҳор қуруқ келганлиги туфайли чигит барвақт экиб олинди. Лекин шу билан бирга, кўпгина районларда қиш ойларида ва баҳорда ёғингарчиликнинг кам бўлганлиги тупроқ устки қатламининг тез қуриб қолишига олиб келди. Натижада экилган чигитнинг кўпгина қисми, айниқса 10 апрелдан кейин экилган уруғ қуруқ тупроқ орасида қолди.

Бундай майдонларда уруғни тўла ундириб олиш учун оғир лой тупроқли ерларда намлик даражаси 16-17 процент, соғ тупроқли ерларда 14 процент, енгил қумлоқ ерларда ва қумлоқ ерларда 11-12 процент бўлмоғи керак. Агар ана шу миқдорда намлик бўлмаса чигитнинг униб чиқиши 6-8 кун кечикиб кетади. Шунинг учун ҳам ёғингарчилик кам бўлган районларда экин майдонларига ҳозир чигит суви бера бошлаш лозим.

Чигит суви беришни ўзибўларчиликка ташлаб қўймаслик, унинг қандай ўтказилаётгани устидан қатъий контроллик ўрнатиш, чигит сувини ҳар бир участка ва картанинг ҳолатига қараб бериш керак. Бригадаларда ва звеноларда, колхоз ва совхозларда участкалардаги тупроқ намлигини ва экинларнинг ҳолатини текшириб кўриб, қайси бирида чигит суви биринчи навбатда ўтказилиши кераклигини аниқлаш ва бу маълумотлар асосида чигит суви бериш графигини тузиб чиқиш керак.

Чигит экиш тугаллангандан кейин барча участкаларда суғоришни зарурат туғилиши биланоқ бошлаб юбориш учун ўқариқлар чиқариш даркор. Уларнинг бўйларига дарҳол чигит қадаш, шу билан гектарларнинг тўла бўлишини таъминлаш керак.

Чигит суви беришда тупроқнинг намланиш даражаси ва суғориш нормаси катта аҳамиятга эга. Маълумки, чигит униб чиқаётган пайтда ҳам тупроқда қишки-баҳорги ёғингарчилик, нам тўплаш мақсадида ўтказилган суғориш даврида тўпланган намлик сақланади. Одатда бундай тупроқнинг фақат устки қатлами — 5 сантиметрдан 10 сантиметргача бўлган қатламигина намсиз бўлади. СоюзНИХИнинг экспериментал базасида ўтказилган кузатишлар шуни кўрсатдики, ҳозирги пайтда тупроқнинг 0-50 ва 0-100 сантиметргача бўлган қатламида намлик даражаси 80-82 ва ҳатто 90 процентгача етади. Шундай бир пайтда тупроқнинг 5 сантиметргача бўлган устки қатлами анча қуриб кетган.

Юқоридагидан шундай хулоса чиқариш мумкинки, чигит суви бериш пайтида фақат уруғлик ташланган устки қатламнигина намлаш фойда беради. Қатқалоқ пайдо бўлишини назарда тутиб, эгатларни қўллатмасдан суғориш, бу ишни фақат инфильтрация йўли билан ўтказиш керак. Чигит суви экиш пайтида олинган эгатлар орқали эгат оралатиб берилиши лозим. Жуда қия участкаларда, шунингдек эгатларнинг чуқурлиги етарли бўлмаган ерларда эгатларни окучник тиркалган культиваторлар ёрдамида чуқурлаштириш зарур. Бунда чигит тушган қаторлар устини бостириб юбормаслик керак.

Тупроққа сувнинг қай даражада сингиши ва участкаларнинг ҳолатига қараб, эгатлар олиниши ва суғоришнинг у ёки бу усули танланиши мумкин. Жуда қия (0,01 ва ундан кўпроқ) бўлган ва сув тез сингмайдиган ерларда секундига 0,1-0,2 литр сув оқадиган қилиб жилдиратиб суғориш, бунинг учун сифонлар ва трубалардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Қиялиги 0,006-0,008 бўлган участкаларда суғоришни секундига 0,3-0,4 литр сув оқадиган қилиб ўтказиш мумкин. Бироқ, бунда эгатларнинг ювилиб кетишига йўл қўймаслик керак.

Участкалар унча қия бўлмаган тақдирда (0,003 ва ундан камроқ) секундига 0,6-0,8 литр сув оқадиган қилиб, қўллатмасдан суғорса бўлади. Суғоришни бундай усул билан ўтказганда ҳар бир эгатга 3-4 тадан сифон қўйиш керак.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, эгатлар узунлиги пахта майдонида тупроқ устки қатламининг бир хилда намланишини таъминлайдиган қилиб белгиланиши керак. Бироқ, эгатлар 100-150 метрдан кам бўлмасин.

Чигит экилган қаторлар намланиши биланоқ суғоришни тўхтатиш лозим. Акс ҳолда сув ўтмаётган эгатлар ҳам намланиши мумкин. Бу тупроқнинг зичланиб қолиши ва совуб кетишига олиб келади. Натижада ўсимлик яхши ривожлана олмайди ва ҳатто илдиз чириш касаллигига чалинади.

Чигит суви берилгандан кейин суғориш ўтказилган эгатларда кечиктирмай тупроқни юмшатиш даркор. Бунда тупроқнинг етарли аэрацияси таъминланади ва нормал кўчатлар олиш имкони туғилади.

Борди-ю, суғоришдан кейин ёғингарчилик бўлса, пахтазорда қатқалоқ вужудга келади. Уни ротацион мотигалар ёки культиваторга тиркалган ротацион юлдузчалар билан юмшатиш мумкин. Агар чигит ҳали униб чиқмаган бўлса, қатқалоқни йўқотиш учун ерларни чигит тушган қаторларнинг кўндалангига қаратиб енгил бороналаш керак.

Чигит униб чиқиши биланоқ ғўзани ягалаш, букетларни ростлаш, кўндалангига ва узунасига культивация қилиш, бегона ўтларни юлиш каби ишларни бошлаб юбориш керак. Айниқса чигит униб чиққандан кейин бошланадиган ва ғўза 2-3 чинбарг чиқаргунга қадар тугалланадиган дастлабки озиқлантиришнинг аҳамияти каттадир. Ғўзани парвариш қилиш бўйича барча ишларни эрта бошлаш натижасида ўсимликнинг ривожланиши тезлаштирилади. Бу эса ўз навбатида пахтадан мўл ҳосил олишнинг муҳим омилидир.

**М. МЕДНИС.**

СоюзНИХИ суғориш лабораториясининг раҳбари, биология фанлари кандидати.

ЯНГИ ДОРИ-ДАРМОНЛАР

### ВИПРОСАЛ

Красноярск химия-фармацевтика заводида илон заҳридан випросал препарати ишлаб чиқарила бошлади. Янги препарат билан бод касаллиги, невралгия ва миалгия (мускулларнинг шамоллаши) каби касалликларни даволаш мумкин. Препарат юқоридаги касалликларда рўй берадиган кучли оғриқни тезда йўқотади.

### ОЛЕТЕТРИН

Рига химия фармацевтика заводи ишлаб чиқараётган олететрин, икки хил антибиотик препаратни — олеандомицин билан тетрациклин препаратларининг йиғиндисидан ташкил топган. Бу препарат зотилжам, отит (қулоқ пардасининг яллиғланиши), ангина, менингит, холецистит, бруцеллёз ва бошқа кўпгина касалликларни даволашда қўлланилади.

### ОЛИМЕТИН

Олиметин чет элларда ишлаб чиқарилган энатин препаратининг ўрнини босибгина қолмай, ундан устунлик қилади ҳам. Бу препарат буйрак, ўт сингари органлардаги тошларни эритади. Натижада бемор операциясиз дори ёрдамида касалликдан халос бўлади.

**М. УСМОНОВ.**
провизор.

# ЧИҚИМ БЎЛМАЙДИ

Тошкент шаҳар саноат корхоналари ва қурилиш ташкилотларида металл ва бошқа материалларни тежаб-тергаб сарфлашга катта эътибор берилмоқда. 1-темир-бетон буюмлари заводининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ишлаб чиқаришни такомиллаштириш учун юриш бошладилар. Шу йўл билан улар кўп миқдорда метали ва бошқа материаллар тежашга муваффақ бўлмоқдалар. Заводнинг С. Ғайбуллаев, П. Гетроченко, К. Моргунов ўртоқлар каби азамат ишчилари корхонада йил охиригача 180 тонна металл, 200 тонна цемент тежаш учун олиб борилаётган курашга муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

1 ва 5-ғишт заводларида ҳам Москва ва Ленинград саноат ходимларининг баракали ташаббуси кенг қулоч ёймоқда. 2-цех бошлиғи Зуфар Тешабоев ҳамда механика цехининг мастери Борис Ичалов ўртоқлар ғишт пишириладиган айланма печларга ўраш учун ишлатиладиган махсус материалларни 5 процент миқдорида тежаб қолишга сўз берган эдилар. Улар ваъдаларига вафо қилмоқдалар. Ҳар минг дона ғишт ишлаб чиқариш ҳисобига 7,5 килограмм шундай материални иқтисод этаётирлар. Тежалган материал ҳисобига бир йилда қўшимча равишда 4200 минг дона ғишт пишириб чиқариш мумкин. 1-ғишт заводлари бошкармасининг ходимлари бинокорлик материаллари илмий-тадқиқот ва лойиҳалаш институти билан ҳамкорликда муҳим тадбирни ишлаб чиқдилар. Пишириш вақтида бракка чиқариладиган ғишт қолдиқларидан деворбоп блоклар тайёрлаш мумкинлиги амалда исбот қилинди. Бу тадбир шу йилнинг ўзида 100 минг сўмликка яқин иқтисодий фойда келтиради.

**А. ФАИЗИЕВ,**
**А. РАҲИМОВ.**

Шаҳрисабз районидаги Энгельс номли колхоз чорвадорлари беш йиллик план топшириқларини муваффақиятли бажариш учун социалистик мусобақани авж олдириб, дастлабки ғалабага эришдилар. Давлатга сут сотиш ярим йиллик плани муддатидан илгари адо этилди. Бу муваффақиятга сиз суратда кўриб турган илғор сут соғувчилар Р. Амирова (чапда) ва С. Ҳазратқулова ўртоқлар салмоқли ҳисса қўшдилар.

А. Тўраев фотоси.

# ПАХТА ДАЛАЛАРИДА

ШАҲРИСАБЗ. КПСС XXIII съездининг тарихий қарорларидан илҳомланган район меҳнаткашлари чигит экишни ҳар қачонгидан эрта ва сифатли тугалладилар. 26233 гектар ерга сара уруғлик ташланди. 9 минг гектар ерга чигит квадрат-уялаб экилди.

**Ю. УМИРОВ.**

●

ЖИЗЗАХ. «Пахтакор» совхозининг Жўрақул Ёдгоров бошлиқ бригадаси пахтакорлари бу йил 205 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 25 центнердан «оқ олтин» етиштириш мажбуриятини олганлар. Омилкор деҳқонлар бу юксак мажбуриятни муваффақиятли бажариш учун чигитни барвақт экиб қўйдилар. Ҳозир уруғлик ёппасига униб чиқмоқда.

**О. ЖЎРАЕВ.**

●

ФАРҒОНА. Киров районидаги «Октябрь 40 йиллиги» совхозида чигит экишни биринчи бўлиб тугаллаган Топилжон Ҳакимов бошлиқ бригада далаларида чигит қийғос униб чиқмоқда. Меҳнатсевар пахтакорлар 50 гектар майдонда мўл ҳосил етиштириш мақсадида ғўза парваришини бошлаб юбордилар.

**Д. НАБИЕВ.**

●

САМАРҚАНД. Иштихон районидаги «Партия XXII съезди» колхозининг ўртоқ Ё. Ёдгоров бошлиқ бригадаси кўп йиллардан бери қолоқлар сафида келарди. Ўтган йили чигит барвақт экилгани, ғўза агротехника қоидаларига риоя қилинган ҳолда парвариш қилингани туфайли ҳосилдорлик гектар бошига 31 центнердан ошди. Пахтакорлар бу ютуқни янада мустаҳкамлаш мақсадида бу йил 83 гектар ерга чигитни 5 иш кунида экиб бўлдилар.

**Р. ХУДОЙБЕРДИЕВ.**

●

ГУРЛАН. «Ленинград» колхозининг Раҳима Эсонова бошлиқ бригадасида чигит экиш тамомланай деб қолди. Механизатор Собир Матчонов, сеялкачи Йўлдош Ражабовлар ҳар куни 7-8 гектар ерга ҳосил уруғини қадашяпти.

**С. САФАРБОЕВ.**

# СИФАТ БУЗИЛЯПТИ

ТАШВИШЛИ СИГНАЛ

Бухоро областининг деҳқонлари бу йил она-Ватанга 317 минг тонна «оқ олтин» ҳадя қилишга енг шимарганлар. Бунга албатта ҳозирдан замин яратилади. Бир қатор илғор районлар ва хўжаликларда чигит экиш сифатли ўтказилиб, уни бехато ундириб олиш чоралари кўрилмоқда.

Афсуски, айрим хўжаликларнинг раҳбарлари бу йилги баҳорнинг қулай келганидан оқилона фойдалана олмаяптилар. Вобкент, Когон, Бухоро районларининг колхоз ва совхозларида чигит экиш графиги бажарилмаётир. Натижада область чигит экиш суръати жиҳатидан ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 10-12 кун орқада қоляпти.

Областда 20 минг гектар ерга чигит квадрат-уялаб экилиши керак. Бу топшириқ қониқарсиз бажарилмоқда. Чунончи, Ғиждувон районидаги «Бухоро» колхозида чигитни квадрат-уялаб экиш плани энди 45 процент бажарилди. Мазкур хўжаликда уруғ яхши тайёрланмаган майдонларга ташланяпти. Колхознинг 2, 4 ва 5-бригадаларида ер чала текисланиб чигит экилган. Натижада ҳар беш-ўн қадам жойда чигит тупроққа кўмилмай қолган. Мавжуд 23 та агрегатдан фақат 16-17 таси ишлаяпти. Бу ерда ҳар бир агрегат билан кунига 6-7 гектар ўрнига 1,5-3 гектар майдонга чигит экилмоқда. Баъзи ҳолларда механизаторлар ернинг яхши тайёрланмаганидан нолиб, агрегатларни пайкал четига қантариб қўймоқдалар.

Шу райондаги «Партия XXII съезди» (раиси ўртоқ Т. Яхшиев), Жданов номли (раиси ўртоқ О. Жиянов) колхозларда ҳам чигитни квадрат-уялаб экиш плани барбод бўлаётир. Хўжалик раҳбарлари маълумотлардаги рақамларни бўрттириб кўрсатишга уринмоқдалар.

Вобкент районидаги «Зарафшон», Энгельс номли колхозларда ўтган йили чигитни квадрат-уялаб экиш плани асоссиз сабаблар билан бажарилмай қолган эди. Бу йил ўша хатоларнинг такрорланишига йўл қўйиляпти. Район хўжаликларида суръат кетидан қувиб, сифат унутиб қўйилмоқда. Мана бир мисол: «Ленинобод» колхозининг пахтакорлари дала ишларида машина ва механизмлардан кенг фойдаланишда катта тажриба орттирганлар. Лекин, хўжалик деҳқонлари бу йил чигит экиш билан бир вақтда ерга ўғит солишни унутиб қўйдилар. Хўжаликда экиш графиги бажарилаётган бўлса ҳам, чигитнинг текис униб чиқиши хавф остида турибди. Об-ҳавонинг қулай келиши, ишчи кучлари ва техника воситаларининг етарли бўлишига қарамай, «Бухоро», «Когон», «Гигант», «Ромитан» совхозларида ҳам чигит суст ва сифатсиз экилмоқда. «Когон» совхозида чигит экишнинг сифати устидан назорат ўрнатилмаган. Механизаторлар суръат кетидан қувиб, баъзан яхши ишланмаган майдонларга ҳам чигит ташлаб юбормоқдалар. Совхозда чигитни квадрат-уялаб экишга жиддий эътибор берилмаётир. Шу мақсадга мўлжалланган агрегатлар бекор ётибди.

Чигитни сифатли, яхши тайёрланган майдонларга экиш ва тўла гектарлар ҳосил қилинишига эришиш — шу куннинг энг муҳим вазифасидир.

**Т. НАЗИРОВ,**
**«Совет Ўзбекистони» мухбири.**

## Турли мамлакатларда

# ВЬЕТНАМДАН ОЛИНГАН ХАБАРЛАР

ВИА агентлиги хабар беради: Вьетнам халқ армияси зенитчилари 24 апрелда Американинг учта самолётини уриб туширдилар. Вьетнам Демократик Республикаси тепасида АҚШнинг жами 984 та самолёти уриб туширилди.

●

Вьетнам ватан фронти Марказий Комитети Австралия халқига мактуб йўллаб, уни Австралия қуролли кучларининг янги қисмларини Жанубий Вьетнамга юборишга йўл қўймасликка чақирди, дейилади ВИА агентлигининг хабарида.

Мактубда, Австралиянинг Жанубий Вьетнамдаги солдатлари ўзларини Ватанга қайтариб юборишни ва Вьетнам халқига қарши олиб борилаётган жиноятқорона урушни тўхтатишни қатъий талаб қилсинлар, дейилади.

●

ВИА агентлиги озодлик агентлигининг маълумотларига асосланиб хабар беради: 13 мартдан 2 апрелга қадар 20 кун давом қилган жанглар натижасида Жанубий Вьетнам озодлик армиясининг қисмлари Биньдинь вилоятида Жанубий Кореянинг 1700 дан кўпроқ солдатини қириб ташладилар.

### *Лаос тепасида АҚШнинг 340 та самолёти уриб туширилди*

Америка авиациясининг босқинчилик ҳужумлари вақтида 13,14, 15 ва 21 апрелда Самнеа вилоятидаги аҳоли яшайдиган жойлар тепасида Лаос ватанпарвар кучлари Американинг 9 та самолётини уриб туширдилар. 1964 йил 17 майдан бери Американинг Лаос тепасида уриб туширилган самолётлари жами 340 тага етди.

### «АМЕРИКАЛИКЛАР, ЮРТЛАРИНГГА ЖЎНА!»

Доминикана Республикасининг пойтахти Санто-Домингода шанба куни кўпминг кишилик митинг ўтказилди. «Американликлар, юртларингга жўна!» деган шиор остида ўтказилган шу митингда Доминикана ватанпарварлари Америка агрессиясини қатъий қораладилар ва чет эл қўшинларини мамлакатдан олиб чиқиб кетишни талаб қилдилар.

Доминикана республикасининг аҳамиятли шаҳарларидан иккинчиси бўлган Сантьяго-Де-Лос-Кабальерос шаҳрида ҳам кўпминг кишилик намойиш ўтказилди.

### КУВ ДЕ МЮРВИЛНИНГ АЙТГАНЛАРИ

Франция ташқи ишлар министри Кув де Мюрвиль радио орқали гапириб дедики, кейинги йигирма йил мобайнида жаҳонда катта ўзгаришлар рўй берди. Жаҳоннинг келажаги Европада тинчлик бўлишига боғлиқ. Бундан тинчликни таъминламоқ учун тегишли хулосалар чиқариб олиш керак ва, жумладан, Германия проблемасини Умумевропа миқёсида ҳал қилиш йўлини топиш керак.

Франция, деди Кув де Мюрвиль Шарқий Европа мамлакатлари билан ва биринчи навбатда СССР билан муносабатларни ривожлантиришдан манфаатдор. Бу эса деди у, «энг катта зарур проблемаларни, шу жумладан, Германия проблемасини тинч йўл билан бартараф қилиш» имкониятини яратиш йўлини очиб беради.

### Кончилар иш ташлади

Кентукки штатининг ғарбий қисмидаги (АҚШ) 5 та шахтанинг кончилари Аппалачи районидаги шахтёрлар забастовкасига қўшилдилар. Шундай қилиб, бу районда иш ташлаган кончилар 43 минг кишига етди.

### *МУДҲИШ ЖИНОЯТЛАР*

Гитлерчиларнинг жиноятларини текширувчи Лодзь шаҳридаги комиссия гитлерчиларнинг Лодзда ташкил этган Польшадаги энг катта лагери — болаларга аталган зиндонга тааллуқли янги ҳужжатларни топди. Оккупация йилларида бу лагерда, дейилади ПАП агентлигининг хабарида, турли миллатларнинг икки ёшдан 14 ёшгача бўлган 12 мингдан кўпроқ боласи азоб тортган.

Ҳужжатлардан маълум бўлишича, гитлерчиларнинг лагерь комиссияси немислаштириладиган болаларни танлаб олмоқ учун махсус ирқий тадқиқотлар ўтказган. Қолган болаларни эсэсчи жаллодлар оч қолдириб, қийнаб ва тоқат қилиб бўлмайдиган ишларда ишлатиб ўлдира берганлар.

Собиқ лагерь территориясида ёшларнинг кучи билан эсдалик ёдгорлиги қуриш ва музей очиш планлаштирилмоқда.

### ИСПАНИЯДА ҚАМОҚҚА ОЛИШЛАР

ФРАНС ПРЕСС АГЕНТЛИГИ МУХБИРИНИНГ МАДРИДДАН БЕРГАН ХАБАРИДА АЙТИЛИШИЧА, ИСПАНИЯ ПОЛИЦИЯСИ ЯНА ЎН КИШИНИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯГА МАНСУБЛИКДА АЙБЛАБ, ҚАМОҚҚА ОЛГАН.

### ИНДОНЕЗИЯДАГИ ВОҚЕАЛАРГА ДОИР

ЮПИ агентлигининг мухбири Антара агентлигининг маълумотига асосланиб, Жакартадан хабар беради: Индонезия ҳукумати ҳарбий-ҳаво кучлари ва ҳаво транспорти бошқармасидан 800 дан кўпроқ ҳарбий ва гражданхизматчиларни ишдан бўшатди.

Шахсий составни текширувчи махсус группалар ишдан бўшатилган мазкур ходимлар ўтган йил 1 октябрда қилинмоқчи бўлган давлат тўнтаришига алоқадор эдилар, деб эълон қилди.

СПОРТ

# КИЧКИНТОЙЛАР МУСОБАҚАСИ

Ўтган якшанба куни пойтахтимиздаги В. И. Ленин номли майдонда одатдан ташқари воқеа бўлиб ўтди.

Эрталабданоқ майдонга болалар тушган автобус ва машиналар кела бошлади. Майдон атрофидаги кўчалар кичик болалар машинаси, коляскали велосипедлар ва икки ғилдиракли болалар велосипеди миниб олган эркатойлар ва ота-оналар билан гавжумлашиб кетди.

Соат ўн икки. «Ҳар доим бўлсин қуёш» куйи садолари остида кичкинтойлар майдонга кириб кела бошладилар. Парад бошланади. «Биз Ленин болаларимиз», «Бахтли болалагимиз учун партия ва ҳукуматга минг раҳмат» деган сўзлар ёзилган транспарантларни баланд кўтариб олган болалар майдонни айланиб доҳиймиз Владимир Ильич Лениннинг ҳайкали рўпарасига келиб саф тортадилар.

Майдонга чиройли безатилган мотоцикл кириб келади. Парад бошлиғи 89-мактаб 6 «б» синф ўқувчиси Светлана Соатова рапорт қабул қилиб олади ва парадни айланиб чиқиб, кичкинтойларни бутун дунё меҳнаткашларининг доҳийси В. И. Ленин туғилган куннинг 96 йиллиги билан қизғин табриклайди.

Тантанали маросимдан сўнг болалар ўртасида мусобақалар бошланиб кетди. Мусобақалар уч этапда ўтказилди. Биринчи этап шарти 4-5 ёшли ўғил ва қиз болалар уч коляскали велосипедда, кичик машинада 30 метр масофага илдам етиб келиш эди. Мусобақанинг бу тури бўйича 12-ЖЭК вакили, 5 яшар Света Танина, 17-уй-жой бошқармасидан Марина Лебедева, Фарида Мўминова, 2-ЖЭКдан Игорь Косоновский, Игорь Кузьминлар яхши кўрсаткичга эришиб, ғолиб чиқдилар.

Иккинчи этап эса 6-7 яшар болалар спорт кураши билан бошланди. Учинчи этапда уларнинг 8-9 яшар акалари икки коляскали болалар велосипедида мусобақалашдилар.

Велосипед пойгасида Чилонзор районининг вакили Ғайрат Алиев, 165-мактабнинг 2 синф ўқувчиси Костя Рогов, 43-мактабнинг 2 синф ўқувчиси Слава Арзуманов ва бошқалар мусобақанинг бу тури бўйича ғолиб чиқдилар. Ғолиблар ҳар хил ўйинчоқлар, китоблар ва бошқа қимматбаҳо буюмлар билан мукофотландилар.

**П. ГАДОЕВ.**

# Янги қурилишлар

Киров номли совхозда 50 ўринли болалар боғчаси, «Қизилқум» совхозида касалхона қуриб битказилди. «Чимқўрғон» совхозида 400 ўринли клуб ишга туширилди. Шунингдек, Жиззах — Фориш ўртасидаги 54 километрли йўлга асфальт ётқизилди.

**М. МАЛИКОВ.**

# БАХТ ВА ДЎСТЛИК КУЙЧИСИ

**(АБДУЛЛА ТЎҚАЙ ТУҒИЛГАН КУННИНГ 80 ЙИЛЛИГИ)**

«Капитализм тузуми емирилиб, дунёда социалистик ҳаёт барпо бўлмагунча, капиталнинг ҳар қандай ҳақиқатни ҳам беркитиб, яшириб турган пардаларини йиртиб ташланмагунча... мен ҳаётдан маъно тополмайман... Бу ҳаётдан рози бўлиб яшаётган киши инсон эмас, демоқни истайман...» — Шундай деб ёзган эди Тўқай ўзи ҳақида.

Дарҳақиқат, ана шу ғоя бутун Тўқай ҳаёти ва ижодий фаолиятининг асосий мазмуни бўлди. Татар халқининг улуғ фарзанди, атоқли шоир-демократи, катта қалб эгаси бўлган Абдулла Тўқай эрки, бахти ва камолатини ўз халқи билан, унинг келажаги билан маҳкам боғлади, халқлар дўстлигини улуғлади, коммунистик ҳис-туйғулар, орзулар билан яшади ва ижод этди.

1886 йилнинг 26 апрелида дунёга келган Абдулла Тўқай Уральскдаги эски схоластик мадрасада ўқиди. Жуда ёшлигиданоқ рус тилига қизиқди ва уни ўргана бошлади. Пушкин номидаги халқ ижодиёти уйига тез-тез келиб, адабий кеча ва лекцияларда қатнашди, рус классикларининг асарларини севиб мутолаа қилди.

Тўқайнинг адабий фаолияти анча эрта, ўн беш-ўн олти ёшлигида бошланди. 1902 йилда мустақил шеърлар ёзиш билан бирга, Крилов масаллари, Пушкин, Лермонтов ва Некрасов шеърларини татар тилига таржима қила бошлади. Кейинчалик Тўқай мазкур шоирлар ва Толстой, Горькийларнинг ўз ижодининг шаклланишида жуда катта роль ўйнаганлигини айтади.

Биринчи рус революцияси даврида Тўқай бир қатор шеърлар ёзиб, уларда барча халқларни рус халқи билан бирга миллий озодлик революциясини ҳимоя қилишга чақиради. «Тонг», «Озодлик ҳақида», «Давлат Думаси», «Текин хўрларга» ва бошқа шеърларида Тўқай ўзининг революцион позициясини ифодалаб, чор ҳукумати ва маҳаллий эксплуататорлар зулмини албатта революцион кураш билан улоқтириб ташлаш кераклигини таъкидлайди. Тўқай рус халқига меҳр-муҳаббат қўяди, унинг миллий маданиятини қадрлаб ўрганади ва бу маданиятдан татар халқининг ҳам кенг баҳраманд бўлиши учун ғамхўрлик қилади.

Абдулла Тўқайнинг ижодий ва жамоатчилик фаолияти кўп қирралидир. У оташин ватанпарвар, гуманист, истеъдодли сатирик ва журналист эди. 1907 йилда Қозонда большевик Ҳусан Ямашев, ёзувчи революционер Ғафур Қулахметов, драматург Г. Камол ва бошқалар билан бирга Тўқай катта большевистик пропаганда олиб боради. Бу революционер адиблар Қозонда большевистик газета ва журналлар теварагига жипслашиб, марксистик ғоялар билан суғорилган асарларни ёйишда актив иш кўрсатадилар. Тўқай шу даврда яратган «Шўрали» поэмаси, «Бир жуфт от», «Она ерга» ва бошқа шеърларида Ватанга, ўз меҳнаткаш халқига муҳаббат ҳисларини тараннум этади.

Ўнинчи йиллардан кейин Абдулла Тўқай «Ялт-юлт» сатирик журналида ишлайди. Журналда эълон қилинган анчагина ҳажвиялари билан у чор тузуми, миллий буржуазия, мусулмон мутаассиблиги кирдикорларини ва уларнинг халққа қарши реакцион қарашларини фош қилиб борди, уларга ўз нафратини билдирди. («Эшон», «Муллалар», «Миллатчилар», «Кетмаймиз», «Жавоб» шеърлари). Чор цензураси ва полициянинг таъқибига қарамай, шоир революцион руҳдаги асарларни ва ўз шеър, фельетон, памфлетларини кенг оммалаштириб борди.

Тўқай яратган ажойиб асарлар жаҳон адабиёти хазинасига дурдоналар бўлиб қўшилди. Тўқай асарларининг умри боқий, ўлмасдир. Юксак ғоявийлиги, ҳаётийлиги, бадиий пухта, гўзаллиги ва теран фалсафий фикрларга бойлиги учун ҳам унинг асарлари шу кунларда янгича куч, янгича оҳанг, янгича жозиба билан жаранглмоқда.

Талантли ўзбек шоирлари Ғафур Ғулом, Ойбек, Уйғун, Миртемир, Асқад Мухтор, Туроб Тўла, Шуҳрат, Мамарасул Бобоев, Рамз Бобожон ва бошқалар Тўқай ижодини ўзбек китобхонларига яқинлаштиришда катта хизмат қилдилар.

А. Тўқайнинг ёрқин, ҳаққоний, талантли поэзияси совет халқи қалбидан абадий ўрин олгандир.

**Собир ЖУРАЕВ.**

Редактор
**М. ҚОРИЕВ.**

# АСПИРАНТУРАГА МАРҲАМАТ!

## ҚУЙИДАГИ МУТАХАССИСЛИКЛАР БЎЙИЧА

## Ўзбекистон ССР олий ва ўрта махсус таълим министрлиги

### В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

(Тошкент шаҳри, Карл Маркс кўчаси 32)

Қатнаб ўқишга: математик анализ, геометрия ва топология, ҳисоблаш математикаси, таранглик ва пластиклик назарияси, радиофизика, ярим ўтказгичлар ва диэлектриклар физикаси, оптика, аналитик химия, органик химия, табиий моддалар химияси, коллоид химияси, биофизика, биохимия, микробиология, ўсимликлар физиологияси, гидробиология, цитология, генетика, гельминтология, агрохимия, умумий тарих, археология, логика, герман тиллари, ҳинд халқлари тиллари, африка халқлари тиллари, роман тиллари, умумий физик география, қуруқлик гидрологияси, колхоз ҳуқуқи, давлат ва ҳуқуқ тарихи.

Қатнаб ва сиртқи ўқиш: КПСС тарихи, СССР тарихи, диалектик ва тарихий материализм, рус тили, функционал анализ ва функциялар назарияси, алгебра ва сонлар назарияси, назарий механика, гидроаэродинамика ва газ динамикаси, назарий ва математик физика, физик электроника, геофизика, атом ядроси ва космик нурлар физикаси, ноорганик химия, физик химия, петрография, литология ва минералогия, полионтология ва стратиграфия, снёсий иқтисод, меҳнат ҳуқуқи.

Сиртқи: дифференциал ва интеграл тенгламалар, эҳтимоллик назарияси ва математик статистика, геология, гидрология, ботаника, рус адабиёти, давлат ва ҳуқуқ назарияси, маъмурий ҳуқуқ.

### Ф. ЭНГЕЛЬС НОМЛИ ТОШКЕНТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ

(Тошкент шаҳри, Муқимий кўчаси, 104).

Қатнаб ўқиш: герман тиллари.

Қатнаб ва сиртқи ўқиш: роман тиллари.

### НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

(Тошкент шаҳри, Педагогик кўчаси, 67)

Қатнаб ўқиш: дифференциал ва интеграл тенгламалар, алгебра ва сонлар назарияси, ботаника, одам ва ҳайвонлар физиологияси, ўсимликшунослик, рус адабиёти, хорижий социалистик мамлакатлар адабиёти, педагогика назарияси.

Қатнаб ва сиртқи ўқиш: илмий коммунизм назарияси, совет адабиёти.

Сиртқи: снёсий иқтисод, СССР тарихи, умумий тарих, диалектик ва тарихий материализм, рус тили, психология.

### ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ИНСТИТУТИ

(Тошкент шаҳри, 2-Виборг кўчаси, 5)

Қатнаб ўқиш: юқори молекулали бирикмалар химияси, машинашунослик ва машина деталлари, тўқима материалларнинг химик технологияси, экономика, халқ хўжалигини ташкил этиш ва планлаштириш (енгил саноат).

Қатнаб ва сиртқи ўқиш: химиявий толалар технологияси, тўқима хом ашёларини дастлабки ишлаш, тўқима материалларнинг механик технологияси, материалшунослик (тўқимачилик).

### А. НАВОИЙ НОМЛИ САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

(Самарқанд шаҳри, М. Горький бульвари, 15).

Қатнаб ўқиш: КПСС тарихи, илмий коммунизм назарияси, функционал анализ ва функциялар назарияси, эҳтимоллик назарияси ва математик статистика, геометрия ва топология, назарий механика, материаллар қаршилиги ва қурилиш механикаси, астрономия ва осмон механикаси, оптика, ноорганик химия, органик химия, одамлар ва ҳайвонлар физиологияси, паразитология, рус адабиёти, рус тили, умумий тарих.

Сиртқи: физик электроника, ярим ўтказгичлар ва физэлектриклар физикаси, умумий физик география.

### ТОШКЕНТ ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИ ИНСТИТУТИ

(Тошкент шаҳри, Арпапоя кўчаси, Қирқ гул тупиги)

Қатнаб ўқиш: эҳтимоллик назарияси ва математик статистика, ҳисоблаш математикаси, экономика ва моддий техника таъминотини планлаштириш, механикалашган учёт ва ҳисоблаш ишлари.

Қатнаб ва сиртқи ўқиш: снёсий-иқтисод, экономика, халқ хўжалигини ташкил этиш ва планлаштириш, молия, пул муомаласи, кредит, бухгалтерия учёти ва хўжалиқ фаолиятини анализ қилиш.

Сиртқи: КПСС тарихи, статистика.

### ТОШКЕНТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ИНСТИТУТИ

(Тошкент шаҳри, Охунбобоев кўчаси, 6).

Қатнаб ўқиш: жисмоний тарбия назарияси ва методикаси.

### ТОШКЕНТ ДАВЛАТ КОНСЕРВАТОРИЯСИ

(Тошкент шаҳри, Пушкин кўчаси, 31).

Қатнаб ўқиш: музика санъати.

### УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ФАРҒОНА ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

(Фарғона шаҳри, Педагогика кўчаси, 17).

Қатнаб ўқиш: педагогика назарияси, ўқитиш методикаси.

* * *

Қатнаб ўқийдиган аспирантурага ёши 35 дан ошмаган, сиртқига эса 45 ёшгача бўлган, олий ўқув юртини тамомлагандан кейин ўз мутахассислиги бўйича икки йил ва ундан ортиқ иш стажига эга бўлган ҳамда ўзини илмий-тадқиқот ишларида қобилиятини кўрсата билган кишилар қабул қилинадилар. Иш стажига эга бўлмаган кишилар аспирантурага кириш учун имтиҳон конкурсларига олий ўқув юртлари советлари (факультетлари)нинг назарий мутахассисликлар бўйича берган тавсиялари билангина киритиладилар.

Аспирантурага кирувчилар олий ўқув юртлари программаси ҳажмида: мутахассислик бўйича, КПСС тарихи ва чет тиллардан бири бўйича кириш имтиҳонлари топширадилар ва ўзлари танлаган мутахассисликлари бўйича ёзма реферат топширадилар (илмий ишлари ва ихтиролари бўлган кишилар реферат ёзишдан озод қилинадилар).

Кириш имтиҳонлари топширишга қўйилган кишиларга имтиҳонларни топшириш ва унга тайёргарлик кўриш учун маошлари сақлангани ҳолда иш жойларидан 30 кунга отпуска берилади.

Аспирантурага кирувчилар олий ўқув юрти ректори номига ариза берадилар ва унга қуйидаги ҳужжатларни илова қиладилар: кадрларни ҳисобга олиш бўйича шахсий варақа, фотосурат (4х6 см), олий ўқув юртини тамомлаганлиги тўғрисидаги дипломнинг нотариус тасдиқлаган кўчирмаси, сўнгги тасдиқланган кўчирмаси, сўнгги иш жойидан ишлаб чиқариш характеристикаси, сўнгги иш жойидан оладиган маоши тўғрисида справка (қатнаб ўқишга кирувчилар учун), шунингдек, реферат ёки матбуотда босилган ишларнинг рўйхати.

Қатнаб ўқийдиган аспирантурага қабул қилинганлар ўзи олиб турган маош миқдорида, ойига 100 сўмгача, стипендия оладилар. Бошқа шаҳарлардан келганлар (оиласиз) ётоқхона билан таъминланадилар.

## СССР ЙЎЛЛАР МИНИСТРЛИГИ

### ТОШКЕНТ ТЕМИР ЙЎЛ ТРАНСПОРТИ ИНЖЕНЕРЛАРИ ИНСТИТУТИ

**Ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда:** КПСС тарихи, материаллар қаршилиги ва қурилиш механикаси, қурилиш материаллари, деталлар ва буюмлар, темир йўл транспортини ташкил этиш ва планлаштириш, экономика.

**Ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда:** КПСС тарихи, материаллар қаршилиги ва қурилиш механикаси.

Аризалар 15 майгача қабул қилинади.

Кириш имтиҳонлари 15 июндан бошланади.

Ариза ва тегишли ҳужжатлар қуйидаги адресга юборилсин: Тошкент-45, Оборонная кўчаси, 1.

## ЎЗБЕКИСТОН ССР ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ

### МАТЕМАТИКА ИНСТИТУТИ

(Тошкент шаҳри, Астрономия тупиги, 11).

Қатнаб ўқиш: функционал анализ ва функцыялар назарияси, дифференциал ва интеграл тенгламалар, алгебра ва сонлар назарияси, эҳтимоллик назарияси ва математик статистика, топология ва геометрия, фан ва техника тарихи.

Сиртқи: дифференциал ва интеграл тенгламалар, эҳтимоллик назарияси ва математик статистика.

### ФИЗИКА-ТЕХНИКА ИНСТИТУТИ

(Тошкент шаҳри, Обсерватория кўчаси, 85).

Қатнаб ўқиш: экспериментал физика, назарий ва математик физика, физик электроника, қаттиқ жисмлар физикаси, ярим ўтказгичлар физикаси, кристаллография ва кристаллофизика, энергия кўринишларининг қайта тузилиши.

Сиртқи: физик-электроника, қаттиқ жисмлар физикаси, ярим ўтказгичлар физикаси.

### ЯДРО ФИЗИКАСИ ИНСТИТУТИ

(Тошкент область, Улугбек посёлкаси).

Қатнаб ўқиш: назарий ва математик физика, қаттиқ жисмлар физикаси, атом ядроси ва космиқ нурлар физикаси, химия физикаси, радиацион химия, автоматик бошқарув ва регулировкалаш,

Сиртқи: назарий ва математик физика, атом ядроси ва космик нурлар физикаси.

### ТОШКЕНТ АСТРОНОМИК ОБСЕРВАТОРИЯСИ

(Тошкент шаҳри, Астрономия тупиги, 11).

Қатнаб ўқиш: астрономия ва осмон механикаси.

### МЕХАНИКА ИНСТИТУТИ ВА ҲИСОБЛАШ МАРКАЗИ

(Тошкент шаҳри, Володарский кўчаси, 26).

Қатнаб ўқиш: математик логика ва программалаштириш, ҳисоблаш математикаси, назарий кибернетика, назарий механика, машиналар ва автоматиқ линиялар механизмлари назарияси, материаллар қаршилиги ва қурилиш механикаси, таранглик ва пластиклиқ назарияси, гидроаэромеханика ва газ динамикаси, динамика ва машиналар мустаҳкамлиги, ҳисоблаш техникаси, автоматик бошқарув ва регулировкалаш, техника кибернетикаси, автомобиль транспорти, асос, пойдевор ва еростн иншоотлари, илмий-техника ахбороти, экономика, халқ хўжалигини ташкил этиш ва планлаштириш.

Сиртқи: ҳисоблаш математикаси, гидроаэромеханика ва газ динамикаси, ҳисоблаш техникаси.

### ХИМИЯ ИНСТИТУТИ

(Тошкент шаҳри, Куйбишев кўчаси, 14).

Қатнаб ўқиш: ноорганик химия, аналитик химия, физик химия, электрохимия, коллоид химияси, ноорганик моддалар технологияси, нодир ва тарқоқ моддалар технологияси, электрохимия ишлаб чиқариш технологияси, химия технологияси процесслари ва аппаратлари, материалларнинг химиявий қаршилиги ва уларни коррозиядан ҳимоя қилиш.

### Ҳ. М. АБДУЛЛАЕВ НОМИДАГИ ГЕОЛОГИЯ ВА ГЕОФИЗИКА ИНСТИТУТИ

(Тошкент шаҳри, Братская кўчаси, 33).

Қатнаб ўқиш: геофизика, геотектоника, петрография, литология ва минералогия, фойдали қазилмалар ўрнини қидириш ва разведка қилишнинг геофизик методлари, руда бўлмаган конларнинг ўрнини разведка қилиш ва унинг геологияси.

Сиртқи: геофизика, литология ва минералогия, фойдали қазилмалар ўрнини қидириш ва разведка қилишнинг геофизик методлари, руда бўлмаган конларнинг ўрнини разведка қилиш ва унинг геологияси.

### ЎСИМЛИК МОДДАЛАРИ ХИМИЯСИ ИНСТИТУТИ

(Тошкент шаҳри, Куйбишев кўчаси, 14).

Қатнаб ўқиш: органик химия, табиий ва физиологик актив моддалар химияси, ёғлар ва эфир мойлари технологияси, фармакология.

### БОТАНИКА ИНСТИТУТИ

(Тошкент шаҳри, Оржоникидзе посёлкаси, Академик шаҳарчаси).

Қатнаб ўқиш: ботаника, ўсимликлар физиологияси.

Сиртқи: ботаника.

### МИКРОБИОЛОГИЯ БЎЛИМИ

Қатнаб ўқиш: вирусология, микробиология, цитология, техник микробиология, антибиотиклар.

### БОТАНИКА БОҒИ

(Тошкент шаҳри, Қорамурт кўчаси, 272).

Қатнаб ўқиш: ботаника, ўсимликлар физиологияси.

Сиртқи: ботаника.

### ЗООЛОГИЯ ВА ПАРАЗИТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

(Тошкент шаҳри, Советская кўчаси, 34).

Қатнаб ўқиш: радиобиология, биофизика, биохимия, зоология, энтомология, эмбриология ва гистология, ихтиология, одам ва ҳайвонлар физиологияси, гидробиология, паразитология, гельминтология,

Сиртқи: зоология, одам ва ҳайвонлар физиологияси.

### ЎСИМЛИКЛАР БИОЛОГИЯСИ ЭКСПЕРИМЕНТАЛ ИНСТИТУТИ

(Тошкент область, Оржоникидзе посёлкаси, Академик шаҳарчаси).

Қатнаб ўқиш: радиобиология, биохимия, ўсимликлар физиологияси, генетика, цитология.

Сиртқи: ўсимликлар физиологияси, генетика.

### ТАРИХ ВА АРХЕОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

(Тошкент шаҳри, Гоголь кўчаси, 70).

Қатнаб ўқиш: СССР тарихи, археология, этнография.

### ЭКОНОМИКА ИНСТИТУТИ

(Тошкент шаҳри, Гогол кўчаси, 70).

Қатнаб ўқиш: снёсий-иқтисод, СССР районлари экономикаси ва ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш, экономика, халқ хўжалигини ташкил этиш ва планлаштириш, меҳнат экономикаси, янги техника учун капитал ажратишнинг эффективлиги, иқтисодий тадқиқотларда математик методлар, механикалашган учёт ва ҳисоблаш ишлари.

Сиртқи: снёсий-иқтисод, СССР районлари экономикаси ва ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш, экономика, халқ хўжалигини ташкил этиш ва планлаштириш, меҳнат экономикаси, янги техника учун капитал ажратишнинг эффективлиги.

### ТИЛ ВА АДАБИЁТ ИНСТИТУТИ

(Тошкент шаҳри, Гоголь кўчаси, 70).

Қатнаб ўқиш: тарихшунослик ва манбаъшунослик, совет адабиёти, адабиёт назарияси, турк тиллари, тилшунослик назарияси.

Сиртқи: СССР халқлари адабиёти, фольклористика.

### БИРУНИЙ НОМИДАГИ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

(Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 55-а).

Қатнаб ўқиш: умумий тарих, тарихшунослик ва манбаъшунослик, Осиё халқлари адабиёти.

Сиртқи: умумий тарих, Осиё халқлари адабиёти.

### ФАЛСАФА ВА ҲУҚУҚ ИНСТИТУТИ

(Тошкент шаҳри, Братская кўчаси, 33).

Қатнаб ўқиш: диалектик ва тарихий материализм, фалсафа тарихи, илмий атеизм.

Сиртқи: марксча-ленинча этика, табиийётнинг фалсафий масалалари, давлат ва маъмурий ҳуқуқ.

### ЎЗБЕКИСТОН ССР ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИНИНГ ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ФИЛИАЛИ

(Нукус шаҳри, Карл Маркс кўчаси, 2).

Қатнаб ўқиш: ноорганик химия, аналитик химия, ботаника, зоология, гидрогеология, нефть ва газ конларини разведка қилиш ва унинг геологияси, энергия турларининг қайта ўзгариши, ўсимликшунослик, экономика, халқ хўжалигини ташкил этиш ва планлаштириш, СССР халқлари тиллари (қорақалпоқ тили).

Сиртқи: аналитик химия, ботаника, ихтиология, СССР халқлари адабиёти, фольклористика, СССР халқлари тиллари (қорақалпоқ тили).

* * *

Қатнаб ўқийдиган аспирантурага ёши 35 дан ошмаган, сиртқига эса 45 ёшгача бўлган, олий ўқув юртини тамомлагандан кейин ўз мутахассислиги бўйича икки йил ва ундан ортиқ иш стажига эга бўлган ҳамда ўзининг илмий-тадқиқот ишларида қобилиятини кўрсата билган кишилар қабул қилинадилар. Иш стажига эга бўлмаган кишилар аспирантурага кириш учун имтиҳон конкурсларига олий ўқув юртлари советлари (факультетлари)нинг назарий мутахассисликлар бўйича берган тавсиялари билангина киритиладилар.

Аспирантурага кирувчилар олий ўқув юртлари программаси ҳажмида қуйидаги фанлардан кириш имтиҳонлари топширадилар: мутахассислиқ бўйича, КПСС тарихи, ва чет тиллардан бири бўйича.

Аспирантурага кирувчилар ўзлари танлаган мутахассисликлари бўйича ёзма реферат топширадилар. Илмий ишлари ва ихтиролари бўлган кишилар реферат ёзишдан озод қилинадилар. Кириш имтиҳонларини топширишга рухсат этилган кишиларга имтиҳонларни топшириш учун тайёргарлик кўриш мақсадида ишлаб турган жойларидан маошлари сақланган ҳолда 30 кунга отпуска берилади.

Аспирантурага қабул қилиш учун илмий-текшириш институтининг директори номига ариза берилади ва унга қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади: кадрларни ҳисобга олиш бўйича шахсий варақа, фотосурат (4х6 см), олий ўқув юртини тамомлагани ҳақидаги дипломнинг нотариус тасдиқлаган кўчирмаси, сўнгги иш жойидан ишлаб чиқариш характеристикаси, сўнгги иш жойидан оладиган маоши ҳақидаги справка (қатнаб ўқишга кираётган аспирантлар учун), шунингдек реферат ёки босилиб чиққан илмий ишлари ёки ихтироларининг рўйхати.

Ҳужжатлар икки нусхада учта фотосурат билан топширилади.

Физика-математика, химия, ва биология фанларининг янги проблемалари бўйича мутахассисликларга кирувчилар, шунингдек, материалларни тўплаш ва дала шароитида тажриба ўтказиш учун жўнаб кетадиган мутахассисликлар бўйича аризалар йил давомида, ижтимоий фанлар бўйича эса 1 июлгача қабул қилинади.

Аспирантларга ўзлари олиб турган маош миқдорида, 100 сўмдан ошмаслик шарти билан, стипендия тўланади. Бошқа шаҳарлардан келганларга (оиласиз) ётоқхона берилади.

Справкалар учун қуйидаги адресга мурожаат қилиш мумкин: Тошкент шаҳри, Гоголь кўчаси, 70, телефон В-3-02-10, қўшимча 1—28, керакли институт сўралади).

## ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИДА ИШЛАШ УЧУН КОНКУРС

### ҚУЙИДАГИ БЎШ ЎРИНЛАРГА:

### В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**Кафедра мудирлари:** чет эл адабиёти, эрон-афғон филологияси, араб филологияси, ҳинд филологияси, хорижий Шарқ мамлакатлари адабиёти, СССР тарихи, Ўзбекистон халқлари тарихи, Шарқ мамлакатлари тарихи, давлат ҳуқуқи ва совет қурилиши, маъмурий ва молиявий ҳуқуқ, паст ўсимликлар, геодезия ва картография, умумий математика, назарий физика, радиацион физика;

Табиий бирикмалар химияси **кафедрасининг профессори;**

**кафедраларнинг доцентлари:** КПСС тарихи, илмий коммунизм, жисмоний тарбия ва спорт, логика ва психология, жиноий ҳуқуқ, ижтимоий цикл, аналитик химия, ноорганик химия, органик химия, дарвинизм, ўсимликлар физиологияси, одам ва ҳайвонлар физиологияси, минералогия, петрография, гидрогеология, снёсий иқтисод, рус тили, умумий физика, радиакцион физика, чет тиллари, иқтисодий география;

**кафедраларнинг старший ўқитувчилари:** КПСС тарихи, фалсафа, илмий коммунизм, чет тиллари, жисмоний тарбия ва спорт, медицина ҳамширалари тайёрлаш, рус адабиёти, СССР тарихи, умумий тарих, немис филологияси, тайёрлов факультети учун рус тили, умумтаълим фанлари, назарий физика, оптика, эрон-афғон филологияси;

**кафедраларнинг ассистентлари ва ўқитувчилари:** КПСС тарихи, фалсафа, рус тили, чет тиллар, хорижий Шарқ мамлакатлари адабиёти, эрон-афғон филологияси, араб филологияси, Шарқ мамлакатлари тарихи, инглиз филологияси, немис филологияси, тайёрлов факультетларида рус тили, умумтаълим фанлари, минералогия, литология, палеонтология, умумий физика, атмосфера физикаси, олий математика, ноорганик химия.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Карл Маркс кўчаси, 35.

### В. В. КУЙБИШЕВ НОМИДАГИ ЦЕНТРОСОЮЗ САМАРҚАНД КООПЕРАЦИЯ ИНСТИТУТИ

**Кафедра мудирлари:** КПСС тарихи, микробиология (профессор ёки доцентлар), умумий инженерлик фанлари бўйича (доцент ёки старший ўқитувчи);

**кафедраларнинг доцентлари ёки старший ўқитувчилари:** КПСС тарихи — уч ўрин (бир ўрин Андижондаги ўқув-консультация пункти, бир ўрин Фрунзедаги ўқув-консультация пункти бўйича), фалсафа — бир ўрин, снёсий иқтисод — икки ўрин (бир ўрин Фрунзедаги ўқув-консультация пункти бўйича бир ўрин Тошкентдаги филиалда). ташкилий-техника — уч ўрин (икки ўрин совет давлат ҳуқуқи бўйича), бухгалтерия учёти — икки ўрин (бир ўрин Тошкентдаги филиалда), математика, физика (Фрунзедаги ўқув-консультация пункти бўйича), химия — икки ўрин (бир ўрин Фрунзедаги ўқув-консультация пункти бўйича, бир ўрин Тошкентдаги филиалда);

қуйидаги мутахассисликлар бўйича **ассистентлар:** иқтисодий география, савдо экономикаси (Андижондаги ўқув-консультация пункти бўйича), ташкилий техника, бухгалтерия учёти — тўрт ўрин, статистика — икки ўрин, саноат моллари товаршунослиги (Тошкентдаги филиал бўйича); озиқ-овқат маллари товаршунослиги, умумий инженерлик фанлари, жамоат овқатланишини ташкил этиш ва унинг экономикаси, рус тили, физика, математика — икки ўрин, химия (Ашхободдаги ўқув-консультация пункти бўйича), умумий овқатланиш корхоналарини жиҳозлаш — икки ўрин.

Конкурсдан ўтганлар Самарқанд шаҳрида уй-жой билан таъминланадилар.

Ариза ва ҳужжатлар қуйидаги адресга юборилсин: Ўзбекистон ССР, Самарқанд шаҳри, Коммунистик кўчаси, 41.

### ЎРТА ОСИЁ ГИДРОМЕТЕОРОЛОГИЯ ИЛМИЙ-ТЕКШИРИШ ИНСТИТУТИ

Тоғ гидрологияси ва актинометрия лабораторияси ҳамда атмосфера оптикасига — икки кичик илмий ходим.

Фан кандидати деган илмий даражаси бўлган, шунингдек кўп йиллик ишлаб чиқариш стажига эга бўлган кишилар конкурсда қатнаша оладилар.

Ҳужжатлар қуйидаги адресга юборилсин: Тошкент шаҳри, обсерватория кўчаси 85/5. Телефонлар: В-3-20-72, В-3-84-48.

### Х. С. СУЛАЙМОНОВА НОМИДАГИ ТОШКЕНТ СУД ЭКСПЕРТИЗАСИ ИЛМИЙ-ТЕКШИРИШ ИНСТИТУТИ

**бўлим бошлиқлари:** суд-бухгалтерия экспертизаси, криминалистика тадқиқотлари, суд-қурилиш-техник экспертизаси;

**старший илмий ходимлар:** криминалистик тадқиқотлар (икки ўрин).

Ариза ва ҳужжатлар конкурс тартиби бўйича қуйидаги адресга юборилсин: Тошкент шаҳри, 65, Чилонзор кўчаси, 29.

### А. С. ПУШКИН НОМИДАГИ ТИЛ ВА АДАБИЁТ ИНСТИТУТИ

(Ўзбекистон ССР Фанлар академияси)

**Бўлим мудирлари:** тарих ва ўзбек тилини қиёсий ўрганиш сектори, диалектология сектори, ўзбек совет энциклопедияси бўлими, манбаъшунослик сектори, адабиёт назарияси ва адабий танқидчилик сектори, нутқ маданияти сектори (филология фанлари доктори).

Ариза ва ҳужжатлар қуйидаги адресга юборилсин: Тошкент шаҳри, Гоголь кўчаси, 70. Телефон В-3-68-19.

### Ф. ЭНГЕЛЬС НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ

(Тошкент шаҳри, Муқимий кўчаси, 104)

**Снёсий-иқтисод кафедрасининг старший ўқитувчиси** (фан кандидати).

### ҚАРШИ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

**Кафедра мудирлари:** КПСС тарихи (фан кандидати, доцент), илмий коммунизм ва снёсий иқтисод (фан кандидати, доцент), рус тили (фан кандидати, старший ўқитувчи), ўзбек тили (фан кандидати, доцент), зоология (фан кандидати, доцент), рус ва чет эл адабиёти (фан кандидати, старший ўқитувчи);

**кафедра доцентлари:** СССР тарихи ва умумий тарих (фан кандидати), чорвачилик мутахассислиги бўйича қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг асослари (фан кандидати), ўзбек тили (фан кандидати);

ботаника, инглиз тили мутахассисликлари бўйича **старший ўқитувчилар.**

**ўқитувчилар:** марксча-ленинча философия, умумий деҳқончилик, химия ўқитиш методикаси, ботаника (уч ўрин), расм, физика ўқитиш методикаси, рус тилшунослигига кириш, маҳаллий группаларда рус тилининг практик курси (тўрт ўрин), ўзбек адабиёти (икки ўрин), одам анатомияси, умуртқалар зоологияси, ўзбек тили ўқитиш методикаси, ҳусни хат, ҳозирги замон ўзбек тили, форс тили, немис тили (икки ўрин), инглиз тили (иккин ўрин), жисмоний тарбия ва спорт (уч ўрин).

Қарши шаҳри, Кўчабоғ, 17.

## СТУДЕНТЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ

### ТОШКЕНТ ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИ ИНСТИТУТИ 1966—67 ЎҚУВ ЙИЛИГА ҚАТНАБ ЎҚИЙДИГАН ФАКУЛЬТЕТНИНГ БИРИНЧИ КУРСИГА ҚУЙИДАГИ МУТАХАССИСЛАР БЎЙИЧА ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Халқ хўжалигини планлаштириш, саноатни планлаштириш, қишлоқ хўжалигини планлаштириш, моддий-техника таъминотини планлаштириш ва унинг экономикаси, меҳнат экономикаси, бухгалтерия учёти (саноатда, қишлоқ хўжалигида, савдода ва банкаларда), молия, кредит, статистика.

Ўқиш муддати беш йил.

Улуғ Ватан уруши қатнашчилари, Совет Армиясидан демобилизация қилинганлар ва шунингдек, ўзлари ўқишга кирадиган соҳа бўйича ишлаб турган кишиларга институтга кириш учун имтиёз берилади.

Институтга кирувчилар ўрта мактаб программаси ҳажмида планлаштириш ва қишлоқ хўжалиги учёти мутахассислиги бўйича — рус ёки ўзбек тили ва адабиёти (иншо), математика (оғзаки ва ёзма), химия (оғзаки) фанларидан, бошқа мутахассисликлар бўйича институтга кирувчилар эса рус ёки ўзбек тили ва адабиёти (иншо), математика (оғзаки ва ёзма), география (оғзаки)дан имтиҳон топширадилар.

Аризалар институт қабул комиссияси ва ўқув-консультация пунктларида 20 апрелдан 20 августгача қуйидаги ҳужжатлар билан бирга қабул қилинади. Ўрта маълумоти тўғрисидаги ҳужжат (асл нусха), автобиография, тўртта фото сурат (3х4 см), сўнгги иш жойидан характеристика-тавсиянома ва справка, соғлиги тўғрисида справка, турар-жойидан справка.

Кириш имтиҳонлари 15 майдан 10 сентябргача қабул қилинади.

Аризаларни ва ҳужжатларни қуйидаги адресга юборилсин: Тошкент шаҳри, Олмазор кўчаси, 183, телефонлар 4-19-21, 4-18-45, қўшимча 57.

Ўқишга кирувчилар ўқув-консультация пунктларига ҳам қуйидаги адреслар бўйича мурожаат қилишлари мумкин: Самарқанд (Гагарин кўчаси, 3); Нукус (Педагогика институти); Фарғона (Коммунистлар кўчаси, 105); Қарши (Кўчабоғ, 17); Андижон (Ленин кўчаси, 8).

### СССР АЛОҚА МИНИСТРЛИГИ ТОШКЕНТ ЭЛЕКТРОТЕХНИКА АЛОҚА ИНСТИТУТИ

### ИНСТИТУТ КУНДУЗГИ, КЕЧКИ ВА СИРТҚИ БЎЛИМЛАРНИНГ БИРИНЧИ КУРСЛАРИГА ҚУЙИДАГИ МУТАХАССИСЛИКЛАР БЎЙИЧА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ:

**автоматик электрик алоқа, кўп каналли электрик алоқа, радио алоқа ва радио эшиттириш.**

Аризалар кундузги ўқишга 20 июндан 31 июлгача, кечки ўқишга — 20 июндан 25 августгача, сиртқи ўқишга 20 апрелдан 25 августгача қабул қилинади.

Кириш имтиҳонлари кундузги бўлимда 1 дан 20 августгача, кечкида—11 августдан 10 сентябргача, сиртқида — 15 майдан 10 сентябргача қабул қилинади.

Институтга кирувчилар ўзлари танлаган мутахассисликларга қараб кириш имтиҳонлари топширадилар: математика (оғзаки ва ёзма), физика (оғзаки). Бошқа мутахассисликлар бўйича институтга кирувчилар рус тили ва адабиёти (иншо), химия (оғзаки) фанларидан имтиҳон топширадилар.

Ҳужжатлар қуйидаги адресга юборилсин: Тошкент-87, Энгельс кўчаси, 108, кабул комиссияси. Телефонлар: В-3-34-11, В-3-57-23.

### Н. К. КРУПСКАЯ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ МАКТАБГАЧА ПЕДАГОГИКА СИРТҚИ БИЛИМ ЮРТИ

Бу ўқув юртига мактабгача муассасаларда ишлаётган, 7, 8, 10, 11-синф ҳажмида маълумоти бўлган кишилар қабул қилинадилар.

Ўқиш ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

Аризалар 1 апрелдан 30 майгача қабул қилинади.

7, 8 синф ҳажмида маълумоти бўлганлар кириш имтиҳонларини 1 июндан бошлаб рус тили ёзма (диктант), рус тили ва адабиёти (оғзаки), математика (оғзаки)дан топширадилар. Ўқиш муддати уч йил.

10—11 синф ҳажмида маълумоти бўлганлар рус тили ва адабиёти (ёзма, иншо), рус тили ва адабиёти (оғзаки), СССР тарихи (оғзаки)дан имтиҳон топширадилар. Ўқиш муддати икки йил.

Аризалар қуйидаги адресга юборилсин: Тошкент шаҳри, Олмазор, 174.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бирлашган нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри.

№ — 93. Индекс 64543. Р. 07722.